



# POSTDA



O'zbekiston Respublikasi  
IIV nashri

2010-yil

So	Ch	Pa	Ja	Sh	Yu	Du	So	Ch	Pa	Ja	Sh	Yu	Du	So	Ch	Pa	Ja	Sh	Yu	Du	So	Ch							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30

Июнь

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqq boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №26 (3867)

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!  
Авваломбор, сиз, хурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидоиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни бугунги кутлуг айём – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Журналист аҳлининг машаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар кўни баҳраманд бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тимсолингизда эл-юрт манфаатини ўйлаб яшайдиган фидоий инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради.

Бундан бир аср муқаддам ўзбек миллий журналистикасининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар болаларимиз матбуотнинг асл моҳиятини ана шундай чуқур англаб, масъулият билан иш юритганлари, ўйламанки, сизларга яхши маълум.

Бу фикрни биргина мисол – 1914 йили "Садои Фаргона" газетасининг ilk сони-

да чоп этилган "Матбуот бутун дунёдаги маданий миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ва инсоният тараққиётининг чўққиси учун лозим бўлган сайё-харакатлар тўғрисида маслаҳатлашмоқ ва кенгашмоқ учун зарур бир воситадир" деган сўзлар ҳам аққол исботлайди.

Мустиқиллик йилларида шундай матбуотимиз ана шундай тамойиллар ва замонвий талаблар асосида тубдан янгиланиб ва ривожланиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугун биз яшайётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаятган глобаллашув жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва журналистла-

римиз олдига янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда гап журналистнинг нафақат истеъдоди ва маҳорати ҳақида, айни пайтда ўз умрини шу захматли касбга бағишлаган ҳар қайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳамиша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамиятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, уларга жамоатчилик ва кенг омманинг эътиборини қаратиши, қисқа қилиб айтганда, эл-юрт дарди ва истиқбол учун, ҳаётимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор топиши учун қўйиб-ёниб яшаши ҳақида бормоқда.

Шу маънода, ўзини юртпарвар деб хис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустиқиллигини

мустиқамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-этибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолиимизни доимо сезгир ва оғоҳ бўлиб яшашига даъват этиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу эса матбуот аҳлининг тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшашини, тараққиёт сирларини эгаллаш, замонвий ахборот-коммуникация технологиялари, аввало Интернет имкониятларидан тўла фойдаланишга эришишни, ўз устида доимий ишлашни тақозо этади, албатта.

Қаттиқ ирода ва тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган бундай вазифалар ҳақида гапирганда, барчамиз яхши англаймизки, аввало мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятининг замондаражасига кўтариш учун ҳуқуқий қарор ва шароитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари демократик давлат барпо этиш вазифасининг узвий бир қисми бўлишини таъминлаш мақсадида ҳали яна улкан ишларни амалга оширишимиз зарур.

Бу хусусда сўз борганда, кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустиқамланаётгани, айниқса нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонда ўзаро рақобат муҳитининг, энг муҳими, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши, аҳолиимизнинг дунёқараши ва маънавий оламни янада юксалтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Шундай ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, уларга янги амалий туртки бериш мақсадида матбуот байрамига бағишлаб жойларда бўлиб ўтадиган турли тадбир ва учрашуларда журналистларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва вазифаси хусусида ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг ва атрофлича фикрлашиб олиш айни муддао бўлур эди.

Шу борада чуқур бир ҳақиқатни англаб олишимизни истардим: оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, уларнинг савияси, ўткирлиги ва таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтариш учун яна қандай чора-тадбирлар кўриши, қандай вазифаларни амалга ошириш кераклигини белгилаб олишда, илғор дунё тажрибасини жорий қилишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди.

Ўзимиз белимизни қаттиқ боғлаб, қўл-оёғимизда бамисоли занжир бўлиб турган эскича қараш ва қолиплардан озод бўлиб, қонун олдида барчанинг тенг экани амалда ўз тасдиғини топиши учун чарчамасдан до-

имо курашиш – бугунги давр талаби эканини унутмаслигимиз лозим.

Бугун юртимизда матбуот байрамини нишонлар эканми, қайси соҳа бўлсин – бу газета-журнал ёки радио-телевидение бўладими, нашриёт ва матбаа соҳаси бўладими – журналистикамиз ривожига катта ҳисса қўшаётган барча ижодий ва техник ходимларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу кутлуг сана билан ана бир бор табриқлаб, сизларнинг шарафли меҳнатининг халқимиз, Ватанимиз ҳамиша юксак қадрлайди, деб қалбимдаги эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Хурматли ва азиз дўстлар!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Меҳнат ва ижод завқи сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

### САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11-15 июнь кўнлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида вақтинча кўчиб келган фуқаролар учун мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларида махсус жойлар тайёрланиб, 75-80 мингдан ортиқ кишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганларга ёрдам кўрсатиш бўйича Андижон вилояти ҳокимлигида очилган махсус бегараз ёрдам ҳисоб рақамига юртимиздаги қўллаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан маблағлар келиб тушиши давом этмоқда.

Бугунги кўнга қадар ушбу ҳисоб рақамига 3,9 миллиард сўмга яқин маблағ тушди. Бундан ташқари, республика ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан 7,8 миллиард сўмликдан зиёд озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва бошқа ҳаётий зарур буюмлар тупланиб, ўз вақтида тегишли манзилларга етказиб берилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда яшайётган ҳар бир одам бу фожиани ўзига яқин қабул қилиб, жабрланганларга ҳамдард бўлиб, елкадош бўлиб, халқимизга мансуб бўлган олижаноблик ва бағрикенглик каби асрий фазилатларни яна бир бор амалда намоён этди.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган бундай инсоний муносабат, меҳр-оқибат намунаси оғир пайтларда кўмакка муҳтож бўлган одамларга беёминнат ёрдам беришдек миллий хусусиятларимизнинг ёрқин ифодаси сифатида эътиборлидир. Айниқса, ёшларимизнинг бу эзгу ишда фаол иштирок этгани ёш авлодимизнинг ана шундай азалий қадриятлар руҳида тарбия топаётганидан далolat беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқмати ана шу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар, идора ва муассасалар, давлат ва нодавлат тузилмалари, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, маданият ходимларига, барча олижаноб инсонларга самимий миннатдорлик билдиради.

(ЎЗА)

### ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлубов номига Осий тараққиёт банки (ОТБ) Котиби ўринбосари Аждай Сағардан миннатдорлик хати келди.

Унда жумладан шундай дейилади: «Осий тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган 43-йиллик мажлисини тайёрлаш ва ташкил этишда биз билан яқиндан, самарали ҳамкорлик қилганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдиришга рухсат берганиз.

Хавфсизлиكنи таъминлашни биргаликда мувофиқлаштиришимиз ушбу тадбирнинг муваффақиятини кўп жиҳатдан таъминлади. Шу ўринда Сиз раҳбарлик қиладиган вазирликнинг хавфсизлиكنи таъминлашга жалб этилган ходимларининг юксак касб маҳорати ва юқори малакага эга эканлигини алоҳида таъкидлашни ҳамда самимий миннатдорлик изҳор этишни истардим».

## ОЛИЖАНОБ КАСБ ЭГАЛАРИ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган.

Ислом КАРИМОВ.



Суратда: ИИВ Бирлашган тахририяти оператор-саҳифаловчиси Зокир Болтаев ва матн тевуричи Гулнора Соҳидова.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятига эътибор кучайтирилди. Мустиқиллик боис матбуот ва сўз эркинлиги чинакам олий қадриятга айланди. Ахборот асри муаммолари ҳар томонлама теран ва атрофлича ёритиб борилаётганлиги туфайли халқимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги ўсиб бормоқда. Юртдошларимиз жаҳон сиёсий сахнасида олиб борилаётган турли ўйин ва найрангларнинг мазмун-моҳиятини, улар ортида қандай мақсадлар аширинганини яхши англаб етмоқдалар.

Сир эмаски, бугунги кўнда мамлакатимизда 671 газета, 208 журнал, 4 ахборот агентлиги, 80 га яқин нашриёт ва электрон оммавий ахборот воситалари

фаолият кўрсатади. Шулардан 36 таси ҳуқуқий нашрлардир. Бу оммавий ахборот воситаларида хизмат қилувчи, иш фаолияти тезкор, замонвий шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ бўлган ҳамкасбларимиз мустиқил мамлакатимиз ва фуқароларимизнинг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида ҳолис вазирчилик сифатида баҳоли қудрат хизмат қилишмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов шу йил 27 январь кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузаларида таъкидлаганларидек: «Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахбо-



Суратда: «Ўзбекистон» НМИУ бошқаруви ходимлари Шерзод Шўқуров ва Садрод Расулов журналини чоп этишмоқда.

Мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, маънавиятни юксалтириш, баркамол авлодни Ватанга садоқат, миллатга хурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни жонлантиришда миллий матбуотимиз ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти гоят беқийёсдир.

роот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустиқамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислохотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериш даркор».

Шу билан бирга, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратишмоқда. Бундан руҳланган

журналистларимиз йилдан-йилга ўз касбий маҳорат ва маданиятларини шакллантириш бориб зиммаларига юклатилган вазифаларни аъло даражада бажариб, давлатимиз раҳбари томонидан ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашга интиломоқдалар.

Қўллаб ҳамкасбларимизнинг журналистика соҳасида ўтказилаётган «Олтин қалам», «Йилнинг энг яхши журналисти» ва бошқа танловларда турли йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритаётганликлари ҳам бу борада амалга оширилаётган ижобий ишларнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ «Postda», «На посту» газеталари ва «Qalqon», «ЎЗ» журналлари Бирлашган

тахририяти ижодий жамоаси ҳам нашрларимизнинг сифати, чоп этилаётган материалларнинг ранг-баранглиги ва мазмундорлигини ошириш йўлида тинимсиз изланмоқдалар. Муштарийларимизнинг тақлиф-мулоҳазалари асосида нашрларимиз мазмун-мундарижасига муайян ўзгаришлар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини доимий равишда ёритиб бориш мақсадида «Қонунчиликдаги янгиликлар» руқни ташкил этилди.

(Давоми 4-бетда).



Халқаро алоқалар

ҲАМКОРЛИҚДАГИ АНЪАНАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ



Мамлакатимизда бир неча кундан буён меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикаси Федерал ҳукуматининг кўчиб ўтганлар ва камсонли миллатлар масалалари бўйича вакили, Ички ишлар вазирлигининг парламент томонидан давлат котиби, Бундестаг депутаты Кристоф Бергнер бошчилигидаги делегация аъзолари юртимизда истиқомат қилаётган немис миллатига мансуб кишиларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш тамойиллари қай даражада эканлиги билан танишиш мақсадида Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Гулистон шаҳарлари ва Фарғона водийсида бўлишди.

Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, истиқлолнинг дастлабки кунидан давлатимиз раҳбари миллатлараро тотувликни таъминлаш, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар уларнинг аҳил-иноқ яшашини янада кенг шакллантириш, ҳуқуқ ва бурчлари қону билан кафолатланишига алоҳида эътибор қаратди. Ай-тиш жоизки, ана шу сабаб-ҳаракатлар

натижасида мамлакатимизда ягона оила шаклланиб, турли миллат кишиларининг ислохотларни барқарорлаштиришдаги ҳиссаси ҳар бир жаҳада яққол кўзга ташланиб турибди. Хоҳ саноат, хоҳ бинокорлик, хоҳ тадбиркорлик ёки ижтимоий соҳада бўлсин, бу ерда умргузаронлик қилаётган 10 минг нафардан ортик

немис миллати вакиллари барча имкониятлардан манфаатдор. Аслида андозасиз ва бошқаларникига ўхшамаган ривожланишнинг ўзига хос модели яратилгани икки давлат ўртасида узаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйиш имконини берган эди. Иқтисодий, ижтимоий ҳамда тадбиркорликни барқарорлаштириш

қаторида Ўзбекистонда яшаётган немислар масалалари бўйича Ўзбекистон - Германия давлатлараро комиссияси ҳам фаолият бошлади. Унинг асосий мақсади юртимиздаги немис миллати вакиллари билан маданий-маърифий, миллий анъаналари, урф-одатлари, тарихи, тили ва санъатини сақлаш ҳамда ривожлан-

яратилди. Немис миллий маданият маркази қошида ташкил этилган фольклор ансамблининг мамлакатимизда ўтаётган муҳим тадбирлардаги қишқирлари эса кўпчиликлари манзур бўлаётти. Шунингдек, республика камизининг барча шахар ва туманларида немис маданияти кунларини ажойиб бир тадбир сифатида ўтказиш анъанаса айланган. Бундан ташқари, ёшларнинг Германияга бориб билим олиши, иш ўрганишлари учун ҳам имкониятлар эшиги очилган. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси орқали эса эшиттиришлар, чиқишлар қилиниб турилибди. Булар ва бошқа қўллаб-қувватлаш амаллари ишларнинг самараси ва истиқбол ҳақида комиссиянинг ўзини кенгашида фикрлар билдирилди. К. Бергнер бошчилигидаги комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам бўлишди. Нуфузли меҳмонлар мустақиллик йилларида ички ишлар тизимида амалга оширилган ислохотлар натижаси билан яқиндан танишишди. Сўнг вазирликнинг

Маданият саройида узаро ҳамкорликни янада юксалтириш бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда республика Ички ишлар вазирлигининг полковник Миркомил Мирфайзиев ҳамкорликда олиб борилаётган барча сабаб-ҳаракатларнинг истиқбол нечоғли самара бераётганлигини аниқ мисоллар орқали таъкидлаб ўтди. Шундан кейин маъзур анъанани янада ривожлантириш бўйича икки томонлама шартномалар имзоланди. Ўз навбатида жаноб Кристоф Бергнер самими қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, бу ерда истиқомат қилаётган барча кишилар сингари немис миллати вакиллари билан Германия ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонч билдирилди. **Абдурашод ҚОДИРОВ.** Суратда: ўрашув пайти. **Шавкат ҚАҲҚОРОВ** олган сурат.

Тадбир

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида тадбир бўлиб ўтди. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва жамият тараққиётидаги ўрнига бағишланган ушбу матбуот анжуманида агентликнинг Бош директори ўринбосари Р. Сафарев истиқлол шарофати туфайли республикамиз оммавий ахборот воситалари тизимида ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан улкан ўзгаришлар юз берганлигини алоҳида таъкидлади.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлса, бу сўзлар нақадар тўғри эканлиги аён бўлади-қолади. 1991 йилда мамлакатимизда жами 395 та босма оммавий ахборот воситаси мавжуд эди. Барча нашрларга давлат ташкилотлари муассислик қиларди. 2010 йил 1 июнь ҳолатига кўра улар 1172 тани ташкил этди, яъни уч баробарга кўпайди. Ушбу нашрларнинг 602 таси, бошқача қилиб айтганда 52 фоизи давлат-

га қарашли бўлмаган ОАВ ҳисобланади. Бундан ташқари, 124 та веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг барчаси хусусийдир. Босма нашрлар 10 та тилда чоп этилмоқда. Радио ҳамда телевиденида эшиттиришлар ва кўрсатувлар ҳам қардош халқлар тиллари билан таъкидланган. Рус ва инглиз тилларида эфирга узатишмоқда. Р. Сафарев ўз сўзида бир қатор га-

зета ва журналлар жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётига ижобий таъсир қўриб, муштарийлар меҳрини қозонганлигини айтиб ўтди. «Ўзбекистон», «Ешлар» телерадиоканаллари, «Машъал» радиоканали мазмундор кўрсатувлари ва эшиттиришлари билан кўпчилиги хушнуд эътиборини таъкидлади. Нотик айти пайта ҳозирги давр талабига, истиқлол гоёлари тамойилларига тўла жавоб бермайдиган, мазмун-маънавий саваб, дизайн даражаси, матбаа сифати паст газета ва журналлар ҳам мавжудлигини афсус билан қайд этди. Айрим телекўрсатувлар ҳаётий воқеликдан узоқлашиб кетганлигини, баъзи радиозахирлар кўчадаги гап-сўзлардан кам фарқ қилишини танқид остига олди.

Бир қатор газеталаримиз республикамиз ҳаётини ёритишни иккинчи даражали масала деб ҳисоблайдилар ва ўз саҳифаларини асосан хоржий мамлакатларда содир бўлаётган ҳодисалар ва жараёнларга доир материаллар билан тўлдирдилар. Улар кимга, кимнинг мафқурасини тарғиб этишга хизмат қилмоқдалар, деган саволни бериш пайти етмадимикан? - деди у. Нотик тўғри таъкидлаганидек, халқимиз ОАВдан тезкор, ҳолис ахборот борабариди жамият ҳаётида учрайдиган камчиликлар, ислохотлар ва янгиланишлар йўлидаги тўсиқлар ҳусусида танқидий ва таҳлилий мақолалар кўтишга ҳақли. Таҳлил жараёнида, шунингдек, айрим нашрлар томонидан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни талаблари бузилган ҳоллар ҳам тилга олинди. Тадбирда қатнашган журналлар уларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. **Бобомурод ТОШЕВ.**

«Ғалла - 2010»

ЎРИМ-ЙИҒИМ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Шу кунларда далаларимизда ғалла ўрими қизгин паллага кирди. Бугун бошоқлар донга тўлган, қўшининг заррин нурлари остида товланаётган ғаллазор барчани ўз бағрига қорламоқда. Мавсум олди тайёрликни пухта ташкил этган, ҳозирда ишни ушшоқлик билан олиб бораётган туманларда ўрими суръати тобора ортиб боради. Сирдарё вилояти ғаллазорлари 89927 гектар майдонга сара уруғ қадаб, 355800 тонна ҳосил олишни режалаштиришган. Мавсум олдиндан вилоят ИИБда махсус ғалла штаби тўзилиб, унга тажрибали ходимлар жалб этилди. Штаб аъзолари томонидан ўрими-йиғими ишлари назоратга олиниб, мавжуд камчиликлар ва муаммолар жойида бартараф этилмоқда. Етиштирилган ҳосилни тез йиғиштириб олиш учун мавжуд комбайнлар ва янчилган донни ташishi техникаларидан тўла қувватда фойдаланилапти. Мавсумда ғалла майдонларидан

ёнгин чиқмаслиги учун катта ва дала йўллари яқин майдон четларидаги ғалла 8 метр кенликда ўриб олиниб, шудгорланди. Мавсумга жалб қилинган техникаларнинг уқун учиргишлари созлиги таъкидланган, далага кириши учун руҳсатнома берилди. Комбайнлар ўт ўчиргич, белкуррак, супурги, 2х2 метр ҳажмдаги кигиз, 100 литр сигимда сув ва 2 гадан чалак билан таъминланди. Бундан ташқари, ўрилаётган барча ғалла майдонига четидан омонлиқ хайдов тракторлари, тиркамасида 2-3 тонна сигими суви мавжуд, ёнгини ўчиришда керакли воситалар билан таъминланган трактор навбатчилиги ташкиллантирилди. Шу билан бир қаторда барча комбайн операторларидан ёнгин хавфсизлиги қўдаларига риоя қилиш, комбайнларни 8 соатдан кўп ишлатишга йўл қўймаслик, ҳар 4 соатда тўхтаб, техник профилактик хизмат кўрсатиш, ишданланувчан ва электр таъминоти, ёқилги-мойлаш тизими ҳамда



ҳимоя қурилмаларини созлигини мунтазам текшириб бориш тўғрисида огоҳлантирилиб, машғулотлар ўтказилди. Дон маҳсулотларини ўз вақтида йиғиб-териб олиш, омборларга топишириш вақтида етиштирилган ғалла ҳосилни нест-нобуд бўлиши ва талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик, ушбу даврда жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш нафақат ички ишлар идоралари ходимлари, балки барчанинг вазифаси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Қолаверса, ҳар ким меҳнати қадрлаши, ўз насибаси учун ҳаракат қилиб, дастурхон тўқин бўлишига ҳисса қўшиши лозим. **Назиржон ЙЎЛДОШЕВ,** катта лейтенант. **Сирдарё вилояти.**

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг Тошкент давлат техника университети қошидаги олий муҳандислик педагогика институтида «Педагогика технология ва педагогик маҳорат» курси бўйича малака ошириб қайтган педагог ходимларга сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда университет профессор-ўқитувчилари, билим юрти раҳбарлари, маъсул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ИИБ ТОХТБЮ бошлиги ўринбосари, подполковник Ш. Мухаммадулов ва ТДТУ қошидаги олий муҳандислик педагогика институти директори, профессор С. Абдураҳимовлар 20 нафар педагог ходимга сертификатларни тантанали равишда топширишди. - Малака ошириш жараёни жуда мазмунли ва самарали кечди. Биз курсантлар ва тингловчиларга билим беришни энг илғор педагогик технологиялари ҳамда психологик жиҳатлари билан яқиндан танишидик. У ерда олган билимимиз ва

эгаллаган малакамиз курсантлар ва тингловчиларни интеллектуал салоҳиятга, маърифатли, маънавий етук ва маданиятли қилиб тарбиялашда кўл келади, деб уйлайман, - деди билим юрти тиббиёт хизмати бошлиги, тиббиёт фанлари номзоди, подполковник Латофат Анварова. Тадбир сўнггида чет давлатларда таълим тизимини ислох қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиш этилди.



Суратда: тадбирдан лавҳа. Ш. ҚАҲҚОРОВ олган сурат.

СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎМАГИДА

Бу йил Навоий вилояти ғаллазорлари 43400 гектар майдонга дон қадаб, мўл ҳосил етиштиришди. Белгиланган режага кўра давлатга 89900 тонна сара дон топширилади. Айти пайта ғаллазорларда ўрими-йиғими билан юзга яқин комбайн банд. Дон қабул қилиш пунктлари 430 та юк автомашинаси ёрдамида ташилмоқда. Ғалла ўрими-йиғими пайтида соҳавий хизматлар томонидан амалга ошириладиган ишларни назорат қилиб бориш мақсадида вилоят ИИБ ШТБМИ, ЖК ва ТҚБ, ЙХББ ходимларидан иборат иккита назорат гуруҳи тўзилган. - Мавсум олдиндан ҳар бир ходимга йўриқнома берилиб, эътибор қаратиши лозим бўлган вазифалар белгиланди, - дейди вилоят ИИБ «Ғалла - 2010» тезкор штаби ишчи гуруҳи раҳбари, подполковник Зафар Худойбердиев. - Улар алоқа воситалари ҳамда автомашиналар билан таъминланди. Ғалла ўрими-йиғими даврида ҳосил нест-нобуд ва талон-тарож қилинишининг олдини олишга маҳалла посбонлари ҳам жалб этилди.

Мавсумда қатнашаётган транспорт воситаларининг барчаси йўналиш чизмалари билан таъминланган. Ушбу чизмаларнинг нусхалари мунтазам ва мавсумий ЙПХ масканларига назорат қилиш учун берилиб, ЙХББ ходимлари томонидан кузатиб борилапти. Ўрими-йиғими самарали ўтказиш мақсадида дон қабул қилиш пунктлари, ғалла ташувчи юк автомобиллари, тиркамали тракторларнинг иши 2-3 сменада ташкил этилди. Сменалар алмашишуви давомида вақтни тежаш мақсадида хайдовчилар дам олиши учун шароит яратиб берилди. Қисқаси, йиғиштирилаётган ғалла ҳосилни дон қабул қилиш пунктларига кузатиб бориш, дала ва омборларда ёнгин чиқишининг олдини олиш, йўл ҳаракати ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли хизматларнинг фаоллиги таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Ғалла ўрими-йиғими даврида ҳосил нест-нобуд ва талон-тарож қилинишининг олдини олишга маҳалла посбонлари ҳам жалб этилди. **Мирзо АҲАДОВ.** **Навоий вилояти.**

Кўрик-танлов

ОЗОД ЮРТДА ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАР

Ҳар йили юртимиз жамоли, Ватанимиз ҳурлиги ва ободлигини тараннум этувчи қўшиқлар кўрик-танлови ўтказилиши одат тусига кирган. Жойларда ушбу танловга тайёргарлик қизгин тус олмоқда. Жумладан, ИИБ ансамбли санъаткорлари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида иштирок этиш учун ўзаро беллашув бўлиб ўтди.

Унда озод ва обод, мустақил юртимизни мадҳ этувчи турфа хил қўшиқлар янгради. Кўрик-танлов иштирокчиларининг дилрабо куй ва қўшиқларини шоир Бобур Бобомурод раислигидаги М. Нурматов, Т. Азизова, Д. Раҳманов ҳамда ИИБ ШТБХ МТБ катта инспектори, подполковник К. Муҳиддиновлардан иборат ҳайъат аъзолари баҳолаб боришди. Танлов сўнггида эса биринчи ўринга ансамбль аъзолари иштирокидаги «Ватан посбонлари» қўшиғи, иккинчи ўринга Нарғи-

за Яндашева, Машхура Эргашева, Отабек Турсунов ва Фарҳод Қамбаровлар ижросидаги «Ватан» қўшиғи, учинчи ўринга эса Умид Қаноатов ижросидаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» қўшиғи муносиб топилди. Кундан-кунга чиroy очиб бораётган юртимиз кўрки, озод ва ободлиги ҳар қанча қуйланса оз. Зеро, тинч ва осойишта, фаровон юртда қўшиқлар янграйверади.

Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва бу борада тарғибот-ташвиқнинг энг самарали тадбирларидан бири «Яшил чироқ» кўрик-танлови ҳисобланади. Мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу тадбир ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Жаҳон айвонида . . . Жаҳон айвонида . . . Жаҳон айвонида

СУНЪЙ ЖИГАР ЯРАТИЛДИ

Гарвард тиббиёт мактаби тадқиқотчилари сунъий жигар яратишга муваффақ бўлишди. «РИА Новости» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Коркут Юйган бошчилик қилган маъзур тадқиқотлар каламуздагина қолдирилган ва ижобий натижа қайд этилган. Сунъий жигарни яратишда тирек тўқималардан фойдаланилган. Бунинг учун қарийб икки юз миллионга тўқима бириктирилиб, ўн кун мобайнида сунъий равишда қон билан таъминлаб турилди. Кейин каламуз танасига қўчириб ўтказилди. Бир оз вақтдан сўнг жигар ўз фаолиятини бажара бошлади. Таъкидлашчи, бу ихтиро жаҳон тиббиётида катта янгиллик сифатида қарши олинган.

Тиволи-гарденс туманида унинг тарафдорлари ва полиция ходимлари ўртасидаги отишмалар чоғида етмиш уч киши ҳалок бўлган. Маълумот сифатида келтириб ўтайти, Кристофер Коук гиёҳванд моддалар савдосидан ташқари Ямайка ва АҚШда қўллаб қўлликларни содир этганликда айбланиди. Шу боис расмий Вашингтон жиноятчини АҚШга топширишни талаб қилмоқда.

Тиволи-гарденс туманида унинг тарафдорлари ва полиция ходимлари ўртасидаги отишмалар чоғида етмиш уч киши ҳалок бўлган. Маълумот сифатида келтириб ўтайти, Кристофер Коук гиёҳванд моддалар савдосидан ташқари Ямайка ва АҚШда қўллаб қўлликларни содир этганликда айбланиди. Шу боис расмий Вашингтон жиноятчини АҚШга топширишни талаб қилмоқда.

ЖИНОЯТЧИ КОУК ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ямайкада гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб келган таникли жиноятчи Кристофер Коук қўлга олинди. Унинг маъзур мамлакатда яшириниб юргани олдинроқ аниқланган бўлса-да, қўлга олиш осон кечмаган. Хабарларга қараганда, жиноятчи яширинган

ҚАДИМИЙ ТОПИЛМА

Австриялик археологлар Мисрда таҳминан 3,5 миң йил илгари барпо этилган қадимий шахарни аниқлашди. Маълумотларга кўра, манзилгоҳ Нил дарёсининг шарқий дельтасида жойлашган. Ҳозир мухтаassisлар қадимги Аварис шахри истилочи гиқсоос қабилаларининг пойтахти бўлиб, улар маъзур ҳудудда бир аср ҳукмронлик қилишган, деган тўхтамага келишган. Тарихдан маълумки, гиқсоослар эраимиздан аввалги 1664-1569 йилларда Миср бошқарувини ўз қўлига олган. Унинг маъзур мамлакатда яшириниб юргани олдинроқ аниқланган бўлса-да, қўлга олиш осон кечмаган. Хабарларга қараганда, жиноятчи яширинган

ИНТЕРНЕТГА КИРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Россиянинг Коммуникация ва алоқа вазирлиги ўн йилгача бўлган болаларнинг интернетга киришини тақиқлаш масаласини муҳокама қилмоқда. Вазир Игорь Шеголевнинг айтишича, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, ушбу дунёвий «ўрғимчак турни»да болалар тарбиясига, интеллектуал ва дунёқарашига салбий таъсир этувчи маънавий хавф ва таҳдидлар борки, бу уларнинг мурғак қалблари ва тасавуруларини бошқа «ўзан»ларга солиб юбориши мумкин. **Интернет ва ОАВ хабарлари асосида таёрланди.**



Суратда: кўрик-танловдан лавҳа. Ш. ҚАҲҚОРОВ олган сурат.

Андижон вилояти.



26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни



Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган муаммолардан бири гиёвандлик эканлиги сир эмас. Мутахасссларнинг фикрича, наркотик моддаларни доимий равишда истеъмол қилувчи кишилар руҳий жиҳатдан тобе шахсга айланади. Кўп йиллик кузатишлар шундан далолат берадики, бундай одамларнинг аксарияти билиб-билмай оғу таъсирида жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Ҳўш, бу иллатга қарши самарали курашиш учун қандай чора-тадбирлар қўлланилмоқда? Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКББ наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, полковник Шокир Иноғомовдан шу ҳақда гапириб беришни илтимос қилди.

– Гиёвандлик соғлом турмуш тарзини издан чиқарувчи ўта хавфли иллатдир. У инсон саломатлигига хавф солибгина қолмай, жамиятимизга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу иллатга қарши курашиш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ва тиббиёт ходимлари, балки бутун жамоатчиликнинг вазифаси ҳисобланади. Ана шу жиҳат эътиборга олинб, мамлакатимизда гиёвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ва гиёвандликка қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Унинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг «Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2007-2010 йилларга мулкбиланган «Наркотик моддаларни суиистеъмол ва ноқонуний айланишига қарши кураш комплекс чоралари» Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси

ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

ратилган майдонлар 22 фоиз камайишига эришилганига қарамай, ишлаб чиқарилган қораторнинг миқдори 2009 йилда 6 минг 900 тоннага ташкил этди. Бу иллатга қарши курашдаги халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда БМТнинг наркотик моддалар билан боғлиқ конвенцияларига қўшилгани, 1996 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Озарбойжон ва Ўзбекистон давлатларининг наркотик моддаларга қарши курашда ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик борасидаги меморандуми имзолангани бунга мисол бўла олади. Мамлакатимиз бундан ташқари наркотик моддаларни назорат қилиш борасида бир неча халқаро ташкилот ва чет эл давлатлари билан 20 дан ортиқ халқаро келишувлар ва шартномалар бўйича олган мажбуриятларини бажариб келмоқда. Шу билан бирга, наркотик моддаларни назорат қилиш борасида БМТ, Ташва ИТТИФОКИ, Мус-

карро терроризмнинг асосий даромади нарқобизнесдан эканлигини ҳам айтиб ўтиш лозимдир. Шу боис ҳам мамлакатимизда бу иллатга қарши курашга давлат миқёсида эътибор қаратилган. Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳар йили тарқибда наркотик моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш, қўшни ишлар вазирлиги ходимлари ривожланган давлатлар ўқув муассасаларида ташкил этилган семинар ва тренингларида қатнашиб, малакаларини оширишмоқда. Таъкидлаш жоизки, жиний гуруҳлар наркотикларнинг маълум қисмини республикамиз ҳудудидан олиб ўтишга уринмоқда. БМТ маълумотларига қўра, Марказий Осиё давлатлари ҳудудидан Афғонистонда етиштирилган наркотик моддаларнинг бир қисми транзит равишда Россия ва бошқа Европа давлатларига олиб ўтилмоқда. Унинг яна бир қисми эса Марказий Осиё давлатлари ҳудудидан қилиб кетаётгани ташвишлидир. Шу ўринда дунё халқларини ташвишга солаётган хал-

қилмишдан тегишли ҳўлоса чиқармай, эски «хўнар»ни яна қўмас қолди. Унинг томорқаси ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўздан кеңирилганда 625 квадрат метр ер майдонидан тарқибда наркотик модда бўлган ўсимлик етиштирилаётгани аниқланди. Уйдан эса 104 килограммдан ортиқ тарқибда наркотик модда бўлган ўсимлик ашёвий далил сифатида олинди. Бундай жиноятларни содир этганлар орасида айбдорларнинг ҳам борлиги аниқланди. Жумладан, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида республика Ички ишлар вазирлиги ЖК ва ТҚКББ ҳамда вилоят ИИБ ходимлари томонидан «Қоратори – 2010» тадбири ўтказилганда шу туманда яшовчи Х. Анорбоева ўз томорқасида 15 квадрат метр майдонда кўкнори ўсимлигини парваришлайётгани аниқланди. Унинг хонадонидан эса 25 килограммдан ортиқ тарқибда кўкнор наркотик моддаси бўлган ўсимлик сақланган маълум бўлди. Рейдлар давомида Жиззах вилояти Фалғорол туманида яшовчи Х. Солиповнинг томорқасидаги 6 квадрат метр майдонда тарқибда кўкнор наркотик моддаси бўлган ўсимлик етиштирилаётгани, уйда эса 11 килограммдан ортиқ тарқибда кўкнор наркотик моддаси бўлган ўсимлик сақланган маълум бўлди. Оғурулуриш ёш авлод келажига салбий таъсир кўрсатиб, гиёвандлар сонини кўпайтиришга уринаётгани ҳар биримиздан

ОҒУФУРУШНИНГ САВДОСИ «ПИШМАДИ»

Бугунги кунда оғу истеъмол қилишнинг фожиали оқибати ҳақида билмайдиган одамнинг ўзи бўлмас керак. Аср вабоси номини олган, кишини аввал инсонийлик фазилатларидан мусово этиб, сўнгра ажалга рўбарў қилувчи бу иллатга қарши дунё ҳамжамияти ҳамкорликда кураш олиб бормоқда. Ўз навбатида мамлакатимизда ҳам бойлик учун ҳар қандай жирканч ишдан қайтмай, гиёвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётган шахсларнинг қилмиши фож этилиб, қонун ҳўкмига ҳавола қилинмоқда.

Учқўрғон шаҳрининг Маданият маҳалласида яшовчи А. Раҳмонов ҳам ана шундайлар сирасидан экан. Силали, тўрт фарзанднинг отаси бўлган бу шахс ҳадемай 40 ёшни қаршилайди. Муқаддам судланмаган ва бир қарашда рисоладагидек оила бошлиғи. Аммо одамнинг олдига иккида деганларидек. А. Раҳмонов виждонини унутганлардан бўлиб чиқди. Учқўрғон тумани ИИБга ана шу шахснинг гиёвандлик савдоси билан шуғулланаётгани ҳақида хабар тушган, зудлик билан холислар иштирокидан «назорат-ҳарид» тадбири ишлаб чиқилди. Уяли телефонига таниши кўнгирак қилганини кўрган А. Раҳмонов дардинг



– Туман ИИБга келганимиздан сўнг химоячи ва холислар иштирокидан текширишди, – деди А. Раҳмонов ўз кўргазмасида. – Чўнтагимдан 50 минг сўмини олиб бердим, улар бу пулларга махсус ишлов берилганини айтишди. Қилган ишимдан пушаймонман. Вилоят ИИБ ЭКБ ходимлари берган ҳўлосага қўра, А. Раҳмонов харидорга сотган модда наша ўсимлигидан алоҳида ишлов бериб тайёрланган гашиш бўлиб, соф оғирлиги 4,64 грамм экан. Афсуски, сўнгги пушаймон ҳеч қимга наф келтирмаган. А. Раҳмонов ҳам Наманган вилояти.

ТОМОРҚАДАГИ ЗАҲРИ ҚОТИЛ

Тошкент вилояти ИИБ ходимлари томонидан «Қоратори – 2010» тадбири давомида инсон саломатлигига кучли таъсир этувчи гиёвандлик моддаларининг салбий оқибатлари ҳақида жойларда сўхбатлар ўтказилиб, бу иллатнинг аянчи оқибатлари тўғрисида видеофильмлар намойиш этилмоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари ва маҳалла фаоллари иштирокидан жамоат жойларида тушунтириш ишлари олиб борилапти. Аҳолига наркотик моддаларни ноқонуний равишда муомала қилиш билан бир вақтда тарқибда гиёвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш, сақлаш ва сотиш ҳам жиноят эканлиги тушунтирилмоқда.

Тадбирга халб қилинган ички ишлар ходимлари томонидан мунтазам рейдлар ўтказилиб, бир қанча жиний ҳўлатларнинг фож этилиши ва турли миқдордаги гиёвандлик моддаларининг йўқ қилинишига эришилди. Хўсусан, тарқибда наркотик модда бўлган ўсимликларни етиштириш билан боғлиқ 115 та ҳўлат аниқланди. Чиноз тумани «Яллама» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан яшовчи С. Валининг уйдан салкам 9 кг. кўкнор олинди. Шу туманининг «Гўлзоробод» фермерлар уюшмаси ҳудудидан яшовчи И. Ботирнинг томорқасида эса минг туп кўкнор ўсимлиги етиштирилаётгани аниқланди. Бу ердан 6 кг. 339 гр. кўкнор ашёвий далил сифатида олинди. Бўка туманида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида эса Беруний кўчасида яшовчи О. Собирнинг томорқасида салкам 28 килограмм, унинг маҳалла-

Ёз – ўтмоқда соз

Айни кўнларда юртимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган болалар оромгоҳлари ўқувчилар билан гавжум. Ватанимиз келажак бўлган минглаб ўғил-қизларимиз болалиқнинг завқли, сурурли давларини бетакрор гўзалликка бурканган она табият кўйида шодон ўтказишмоқда. Фарзандларимизнинг ёзги таътил даврини тинчлик ва осойишталикда, мазмулли ўтказишларини таъминлашга ички ишлар идоралари ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

МАҚСАД ВА МУДДАО

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туманлари ўзининг пурвиқор тоғлари, жаннатомонд боғлари, мусоффо ҳавоси-ю тиник сувли азим дарёлари билан ажралиб туради. Мазкур туманларнинг дам олиш масканларида минглаб ўғил-қизлар мазмулли хордик чиқаришмоқда. – Бу йилги ёзги дам олиш мавсумида 20 та оромгоҳда 26 минг 80 нафар ўқувчи ёшларни дам олдириш режалаштирилган, – дейди вилоят ИИБ Хўққубўзарликларнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори, майор Ш. Тўраев. – Болалар оромгоҳларида мавсум пайтида жамоат тартибини сақлаш, хўққубўзарлик ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар қўрилди. Вилоят ИИБ ХўОБда ва Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туман ИИБларида «Ғамхўрлик – 2010» тезкор штаби ташкил этилиб, ишчи гуруҳлари тузилган, малакали профилактика инспекторлари оромгоҳларда мунтазам иш олиб боришмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоят ИИБ Хўққубўзарликларнинг олдини олиш, йўл ҳара-

СОҒЛОМ ДУНЁ – СОҒЛОМ ҲАЁТ


Бугунги кунда гиёвандлик балоси терроризм, диний экстремизм каби глобал муаммолар қаторидан ўрин олгани ҳеч қимми хайратлангирмайди. Жаҳон ҳамжамияти бу муаммага биргалликда кураш олиб бориш кераклигини аллақачон англаган. Шу боис, гиёвандлик моддаларини етиштириш, тарқатиш, сотиш, истеъмолнинг олдини олиш борасида ҳамкорликда кўллаб ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. 26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кўни арафасида ушбу масалага бағишланган анжуман, ўнрашув ва сўхбатлар ўтказилди. Шундай тадбирлардан бири БМТнинг гиёвандлик ва жиноятчилик бўйича минтақавий бошқармасида бўлиб ўтди. Унда республикамиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиш-

ди. Йиғилишда бошқарманинг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича маслаҳатчиси Стивен Браун, халқаро бўлим бошлиғи Азизбек Эркабов, UNODC ROCA дастури координатори Галина Фоманди гиёвандлик моддаларининг дунё бўйича ноқонуний айланиши, тарқатилиши ва етиштирилиши борасида маърузалар қилиб, унинг муҳдис оқибатлари нафақат давлатлар суверенитети, балки жаҳон тамаддуни, илм-фан тараққиети, инсон онгу шуури, авлодлар саломатлигига, шунингдек, атроф-муҳитга жиддий зарар етказиши ҳақида сўз юритишди. Йиғилганлар диққатига анжуман учун махсус тайёрланган слайдлар, диаграмма, аниқ далиллар ва таҳлилий маълумотлар тақдим этилди. Шунингдек, маърузачилар хорижий ҳамда маҳаллий журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

ИИБ Матбуот маркази хабарлари

**ТУНГУМ ТАЛОНЧИЛАР**  
Номаълум шахслар Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида М. Андақуловни кўч ишла-тиш йўли билан қўрқитиб, 218 минг сўм пули ва 3 дон «Нокия» русумли уяли телефони олиб кетишди. Ҳамтоволлар тунда содир этилган талончиликнинг изини ҳеч қим топпмайди, деб уйлашган бўлса ажабмас. Бироқ қилин қирқ ёрувчи изқуварларга бундай «иш»ларни очиш чўт эмас. Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятчи Х. Элдор, А. Жамшид, Ш. Жамшид ва К. Одибеклар содир этгани аниқланиб, ушландилар.

**ЎЗГАНИНГ МОЛИ БУЮРМАС**  
Халқимизда айрим текинтомолларга нисбатан тоғлиб айтилган бир нақл бор. «Урокда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» Бировнинг ҳўсбидан боғлиқ орттиришга уринадиган кимсаларнинг орамизда борлиги кўшини уйга толдиради. Қоракўлпоғистон Республикаси Тўртқўл туманида яшовчи М. Султонпошанининг уйига ўғри оралади. Эшик қўлфини ҳеч қимчиликсиз бузиб онган номаълум шахс бу ердан 600 АҚШ доллари ва 5 млн. 150 минг сўм пулни қўлга қиритганича қўздан қўйиб бўлди. Ушбу ҳўлат кўзидан жиноят иши қўзғатилди. Ушбу жиноятчи С. Санжар содир этгани аниқланиб, қўлга олинди.



ТЕЗКОР НАВБАТЧИЛАР БАҲСИ

Вилоят ички ишлар идоралари тезкор навбатчиларнинг касб маҳоратини ошириш мақсадида навбатчилик қисмлари ва тезкор навбатчилар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Бунда ходимларнинг жанговар тайёргарлиги синовдан ўтказилди. Улар ҳамда касбий тайёргарликлари бўйича беллашдилар. Натижада «Энг фаол навбатчи» номинацияси бўйича Дўстлик тумани ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси, майор Х. Эргашев, «Энг фаол навбатчи ёрдамчиси» номинациясида эса Зарбдор тумани ИИБ навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, сержант Х. Бойбўтаевлар қўлиб чиқди. Бундан ташқари, «Намунали навбатчилик қисми» номинациясида биринчи ўринни Жиззах шаҳар ИИБ навбатчилик қисми эгаллади, иккинчи ўринга Янгибод тумани ИИБ навбатчилик қисми, учинчи ўринга эса Зафарбод тумани ИИБ навбатчилик қисми сазовор бўлди. Вилоят ИИБ томонидан қўлиб навбатчилик қисмларида кондиционер, компьютер жамламаси, телевизор топширилди. Номинациялар бўйича қўлиб чиққан ходимлар эса вилоят ИИБ Фахрий ёрлиғи ҳамда муқофотлар билан тақдирландилар.

ОШКОР БЎЛГАН КЎКНОРИ

Қоракўлпоғистон Республикасининг Қорайўзақ туманида ўтказилган тезкор тадбирлар жараёнида Қорайўзини ҳўшолоғига яшовчи нафқадор С. Утеғенининг хонадонини текширилди. Уйдан 5 килограммдан зиёд кўкнори топиб олинганда ёши етмишдан ошган отахон ер чиқиб қолди. Энди бу ашёвий далил унга яхшилик келтирмаслиги аниқ. Тошкент шаҳар ИИББ ва МХХ ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Мирҳўбод туманида яшовчи Х. Юртиннинг уйи шўхбўлдан қўздан кеңирилганда, у ердан 945 граммдан зиёд геркнор топилди, ашёвий далил сифатида олинди. Норали ОЧИЛОВ, ИИБ ИХХ ва ЮТБ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.

Хабарлар

**Хоразм вилояти ИИБ ҳўзуридаги кўриклаш бўлимида ёш ходимлар ҳамда уларнинг ота-оналари билан ўнрашув бўлиб ўтди.** Тадбирни бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник Шокир Бекмонов очиб, ички ишлар идоралари билан оила ҳамкорлигини яхшилаш хизмат самардорлиги ошишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бўлим отряд командири, майор Баҳодир Оллабергенов ходимлар олдида турган долзарб вазифалар ва уларни амалга оширишда оиланинг ролига тўхталиб ўтди. Ўнрашувда бўлимга сардорлари, катта сержантлар Илҳом Оллабергенов, Бекмурод Усмонов, сафдорлар Анвар Маҳмудов, Фарҳод Абдураҳмонов, ота-оналардан Рустам Ибодуллаев, Озод Саповев, Солий Абдураҳмонов, Янгибой Тожмуратовлар ҳам

ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ЎНРАШУВ

лар билан яқиндан танишишди. Айниқса, барча қулайликларга эга бўлган маърифат хонаси, кутубхона, спорт майдончалари, дам олиш ва хизмат хоналари дид билан жиҳозлангани барчада катта таассурот қолдирди. Ўнрашувда ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашиб, ҳамкасбларига намуна бўлаётган бир гуруҳ ёш ходимларга Фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Худойбергнн ЖАББОРОВ, «Поста» мухбири.

А. ҚАРШЕВ, подполковник.

Жиззах вилояти.







Маърифат дарси

Мустиқиллик билан эгизак фарзандлар ўн тўққиз ёшга тўлаптилар. Келаси йил Мустиқиллигимизнинг йигирма йиллигини ўзбек халқи, хусусан, 20 ёшлилар алоҳида байрам сифатида қаршилайдилар. Йигирма йил асрнинг бешдан бир бўлаги. Ҳамиша бошланиш, шаклланиш қийин кечади. Истиқлолнинг ўсиб-униши – зиддиятларни енгиш, юрлмаган йўлни кашф этиш, ахли жаҳонга танилиш демак. Ҳозирги ёшларимиз оғизларини тўлдириб, шавақ-завққа тўлиб мадҳиямизни ижро этадилар. Аксарият ёшларнинг орзуси – Ўзбекистон байроғини ўз ютуғи, кашфийти тўғрисида тўғри ҳақиқатни айта олиш. Биргина байроқ, мадҳия, гербимизни қабул қилиш осонликча рўй берган эмас.


Бадий адабиёт босиб ўтилган мураккаб йўлни жонли, жозибали акс эттиради. Бадий адабиётга одамлар руҳиятини барча мураккабликлари билан акс эттиради.

Ўн тўққиз йил ичида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Жаҳон ўзбекистонни таниди, унга ҳавас билан қарай бошлади. Ўзбеклар оламни англади, ҳеч кимдан кам эмасликларини англаб етдилар. Айниқса, ёшларимиз ўзига хос авлод сифатида шаклланди. Ўзбекистон Президенти фаолиятининг бошланишидаёқ янги авлодни шакллантириш, тарбиялаш масаласини устувор деб билди. Унинг бирон асари йўқми, ёшларни тарбиялаш масаласи четда қолган бўлсин. Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Оқсак маънавият – енгилмас куч», «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» асарлари ёшлар тарбияси масаласини асос, ўзак қилиб олган. Юртбошимиз ёзувчилар билан неча бор учрашган бўлса, газета-журнал муҳаррирлари саволларига жавоб берган бўлса, ҳаммиша ёшлар ва бадий адабиёт боғлиқлиги масаласига эътибор қаратган. Бу сайёҳаракатлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Ёшларнинг гулдай авлоди шакллана бошлади.

Энг қувончли ҳодиса шундаки, ёшлар бадий асарларни ўқишга, шеърлар мағзини ҳис қилишга киришдилар. Англашимча, яхши бадий асар зинҳор пештахтада қолиб кетмапти. Яхши асарлар адади ўзлуксиз ортиб бораёпти. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг «Орзули дунё» тўплами нашр этилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо у аллақачон қўлма-қўл бўлиб кетди. Шoir китобхон, хусусан, ёшлар кўнглидаги гапларни топиб, ўрнига қўйиб айтмоқда. «Сенингдирман, Ватан» шеърини мана бу мисралар қалбга «михлиниб» қолади.

Жаҳон кенгдир, фалак кенгдир,  
Юрак кенгдир,  
чу сен борсан.  
Сенингсиз икки дунё тор,  
Сенингдирман,  
сенингдирман.

Менга бегона элларда  
Насиб гар ўлса аз роҳат  
Чекай бағрингда  
минг озор,  
Сенингдирман,  
сенингдирман.



Халқаро шарҳ

ГЕРМАНИЯНИНГ ЖАҲОН СИЁСАТИДАГИ МАВҚЕИ

Европа қитъаси бир неча минг йиллик давлатчилик тарихи давомида халқаро муносабатларнинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Қитъанинг марказида жойлашган Германия эса бугунги кунда дунёдаги энг ривожланган индустриал давлатлардан бири бўлиб, Европа молиявий-иктисодий ва сиёсий иттифоқидаги етакчи куч ҳисобланади. Салоҳияти ва дунё саҳнасига тобора ошиб бораётган мавқеига таянган ҳолда Германия Федератив Республикаси (ГФР) ўз таъсир сиёсатини олиб бораёпти. Ушбу таъсир сиёсатининг халқаро сиёсий муносабатлар ва жаҳон ҳўжалиги тизимида кечаётган жараёнларга таъсири тобора ўсиб бормоқда.

ГФР – замонавий халқаро сиёсат майдонидидаги ривожланган иқтисодий ва демократик тамойиллар асосида қурилган мамлакат. У юқори даражали илмий-техник салоҳиятга, мукаммал миллий давлатчилик асосига ва юқсак ҳарбий имкониятларга эгадир. Хусусан, Германия «катта саккизлик» аъзоси саналади. У иқтисодий қудрати жиҳатидан фақат АКШ ва Япониядан кейин туради. Ялли ички маҳсулот ҳажми бўйича ҳам ГФР етакчи давлатлар қаторида бормоқда. Аҳолининг яшаш даражаси бўйича эса дунёда 23-ўринни эгаллайди. Шунингдек, Германия Франция билан биргаликда Европадаги интеграцион жараёнларнинг етакчиси ҳисобланади. ГФР бугунги кунда халқаро сиёсат майдонидидаги энг илғор давлатлардан бири ҳисобланади. Унинг таъсир сиёсати ҳам низоҳатда ўзига хос ва мукамал. 1990 йилда икки немиш давлатининг бирлашувидан ҳосил бўлган ГФР ўша пайтларда ҳам иқтисодий салоҳияти ялли нуктаи назардан дунёнинг учинчи давлати ҳисобланар эди. Ҳам ички, ҳам таъсир сиёсатини мукаммал равишда шакллантириш ўшида расмий Берлин олдида турган энг муҳим вазифа эди. Германиянинг 20 йиллик таърибаси шунини кўрсатдики, мамлакат халқаро сиёсат майдонининг фаол иштирокчисига айланди.

ГФР – замонавий халқаро сиёсат майдонидидаги ривожланган иқтисодий ва демократик тамойиллар асосида қурилган мамлакат. У юқори даражали илмий-техник салоҳиятга, мукаммал миллий давлатчилик асосига ва юқсак ҳарбий имкониятларга эгадир. Хусусан, Германия «катта саккизлик» аъзоси саналади. У иқтисодий қудрати жиҳатидан фақат АКШ ва Япониядан кейин туради. Ялли ички маҳсулот ҳажми бўйича ҳам ГФР етакчи давлатлар қаторида бормоқда. Аҳолининг яшаш даражаси бўйича эса дунёда 23-ўринни эгаллайди. Шунингдек, Германия Франция билан биргаликда Европадаги интеграцион жараёнларнинг етакчиси ҳисобланади. ГФР бугунги кунда халқаро сиёсат майдонидидаги энг илғор давлатлардан бири ҳисобланади. Унинг таъсир сиёсати ҳам низоҳатда ўзига хос ва мукамал. 1990 йилда икки немиш давлатининг бирлашувидан ҳосил бўлган ГФР ўша пайтларда ҳам иқтисодий салоҳияти ялли нуктаи назардан дунёнинг учинчи давлати ҳисобланар эди. Ҳам ички, ҳам таъсир сиёсатини мукаммал равишда шакллантириш ўшида расмий Берлин олдида турган энг муҳим вазифа эди. Германиянинг 20 йиллик таърибаси шунини кўрсатдики, мамлакат халқаро сиёсат майдонининг фаол иштирокчисига айланди.

ро ҳавфсизлик масалаларида илғор мамлакат сифатида иш тута бошлади. ГФР нинг замонавий таъсир сиёсати немиш халқининг ўзига хос таърибаси, манфаатлари ва қарашлари асосида юзага келди. ГФР дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилоти бўлиш БМТга 1973 йилдан бери аъзо. У мазкур ташкилнинг молиявий таъминоти борасида АКШ ва Япониядан кейинги учинчи ўринда туради. Шу сабабли яқин-яқинги кунда Германия БМТ Ҳавфсизлик кенгашида доимий аъзо мақомига эга бўлиши ўз таъсир сиёсатидаги устувор вазифаларидан бири деб биларди. Ўзбекистон ҳам бу аъзолликни қўллаб-қувватлади. Бироқ ҳозирда Германиянинг Ангела Меркель бошчилигидаги янги ҳукумати ушбу қарорни ўзгартириб, ГФР эмас, балки Европа Иттифоқи (ЕИ) БМТ Ҳавфсизлик Кенгашига аъзо бўлиши кераклигини таъкидлаётган ҳолда бўлиб келди. Ҳозирги кунда Германия ўз таъсир сиёсатини ЕИ ва НАТОдаги ҳамкор-

лари билан муштақам алоқалари асосига қурган. Ушбу давлат бугун ЕИнинг энг илғор давлати ҳисобланади. У Европада саноат ишлаб чиқариши ва капитал экспорти бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Франция, Буюк Британия ва Италия билан биргаликда Германия ЕИ Вазирлар Кенгашида энг кўп овозга (10 овоздан) ва Европарламентда энг юқори вакиллик квотасига эга мамлакатдир. Кўриниб турибдики, Германия таъсир сиёсатида ЕИ доирасида олиб борилаётган таъсир сиёсат энг устувор йўналиш ҳисобланади. Европада интеграцион жараёнларнинг чуқурлашиб бориши ва ЕИ таркибига тобора янги аъзоларнинг қўшилиб бориши натижаида Германия таъсир сиёсати айланмасининг қарий 60 % дан зиёда ушбу давлатларнинг ҳиссасига тушири кела бошлади. Бу ҳолат ўз-ўзидан Федераль ҳукумат томонидан олиб борилаётган таъсир сиёсатида ЕИ етакчи ўрин эгаллашни изохлаб беради. Шундан таъсир сиёсати, ЕИ бюджетининг қарий 40 % Германия ҳиссасига туғри

еллади. Бу ўз навбатида ГФРнинг, энг аввало, Европада ва қолаверса, дунё ҳамжамиятида тутган ўрнининг кучайишига қўлай замин яратди. Германия дунёнинг энг тараққий этган минтақаларидан бири бўлишидан ҳам томонлама манфаатдордир. ГФР ҳозирги Испания, Португалия, Греция ва ЕИнинг яна бир қатор мамлакатларига сармоя киритаётган энг катта давлат ҳисобланади. Шунингдек, ҳарбий саноати ривожланиши жиҳатидан ГФР дунёнинг олдинги ўринларига чиқиб олди. Хусусан, Стокгольмдаги халқаро тинчликнинг ўрганиш институтининг 2010 йил январь-февраль ойларида ўтказган тадқиқотларига қўра, Германиянинг охириги беш йилликдаги қурол-яроғ экспорти икки мартабга ошган. 2009 йил якуни бўйича ГФРнинг қурол-яроғ экспорти дунё қурол-яроғ бозорининг 11 % ини ташкил қилди. Германия бу бозорда фақат АКШдан (бозордаги улуши 30 %) ҳамда Россиядан (бозордаги улуши 23 %) кейин учинчи ўринни эгаллади. Бироқ бу мамлакатнинг ички сиёсатида айрим эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Германиянинг таъсир сиёсатидаги устувор йўналишлари сифатида НАТО доирасидаги ҳамкорлик, Россия ва Шарқий Европа, Яқин Шарҳ ва Йроқ, Осиё ва Тинч океани ҳавзасидаги мамлакатлар, Латин Америкаси ва Қариб денгиз ҳавзасидаги давлатлар, Африка, Марказий Осиё (МО) ва Афғонистон билан ҳамкорлик ҳисобланади. Шундан Германиянинг МО бўйича сиёсати га тўхталас. Зеро, ушбу минтақа немиш таъсир сиёсатида алоҳида ўрин тутади. Германия МОнинг ҳар бир давлатида ўз дипломатик ваколатхонасига эга бўлган ягона Европа мамлақати ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Европада мамлакатларининг МО давлатлари га нисбатан қарашлари шаклланишида мазкур давлатнинг роли каттадир. Айтиш жоизки, МО минтақавий ГФР учун низоҳатда аҳамиятли эканлигига сабаблардан бири Афғонистон масаласидир.

2007 йилда ЕИда Германия раислик қилганда расмий Берлин ЕИ ва МО ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш йўлида самарали фаолият олиб борди. Айни ўша йили ЕИнинг Марказий Осиёга нисбатан стратегияси ишлаб чиқилди. МО минтақасида сув муаммосининг низоҳатда долзарблиги ГФР ҳукумати ва экспертлари тўшуниб етишди. Немиш ҳукумати бу муаммони биргаликда ечиш ва уни низо даражасига чиқариластик ХХI асрнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб кўрсатиб, бу масалада Германия воситачилик қилишга тайёригилни билдириди. Сув муаммосининг олдини олиш мақсадида Европанинг бир қанча давлатларидан ўтувчи Дунай, Эльба ва Рейн дарёлари бўйича сув бошқаруви моделини нисол қилиб келириб, Марказий Осиё давлатлари ҳам бу таърибасини ўрганишлари зарурлигини таъкидлаб, қуйидаги режа тақлиф қилинди:

- Марказий Осиёда экспертлар алмашинувини ташкил қилиш;
- Сув бошқаруви Академиясини ташкил этиш;

Шу ўринда Германиянинг Марказий Осиё давлатлари ичида Ўзбекистон билан алоқаларига тўхталас. Икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йилнинг 6 мартида ўрнатилган. Шундан бери Германия ва Ўзбекистон барча соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. Айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларнинг сезиларли даражада ривожланиши кузатишмоқда. Ўзбекистон улкан молиявий салоҳиятга ҳамда замонавий технологияларга эга бўлган немиш инвесторларини республикага жалб қилишдан манфаатдордир. Умуман олганда, ҳозирда Германиянинг ЕИ таъсир сиёсатини белгилашда муҳим ўрин тутаётганлигини қўриш мумкин. Айтиш жоизки, ривожланиб келаётган Ўзбекистон ЕИнинг лоқомотиви бўлган Германия билан муносабатларини ялли йўлга қўйиши республикамизнинг Европа мамлакатлари билан алоқалари ривожланишига олиб келади. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек: «Германия Европа Иттифоқи таркибидидаги энг йирик давлат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Европа йўналишида олиб бораётган таъсир сиёсати билан боғлиқ манфаатларини қўллаб-қувватлашга қодир. Ўзбекистон эса ўзининг Марказий Осиёдаги геосиёсий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, ГФРнинг мазкур минтақадаги миллий манфаатларини рўёбга чиқаришдаги интилишларида ишончли ҳамкор бўлиши мумкин». Ҳозирда Ўзбекистон ва Германия сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий ва таълим соҳаларда ўзаро изчил ҳамкорлик қилмоқда.

Азизбек САПАЕВ,  
капитан.

Шoir образли тафаккур орқали бугунги ҳолатимизни, ўзбек бўлиш масъулиятини чиройли ифодалади. Шеър низоҳатда раво, енгил ўқилади. Унинг замирида эса Эркин Воҳидовдай мутафаккир шoir айтиши мумкин бўлган юк, гоя бор. 2010 йил мустиқил республикамизда Баркамол авлод йили мақомини олди. Баркамоллик нима? Биз етук, комил инсонлар ҳақида кўп эшитганмиз, бадий асарлар ўқиб, спектакль, кинолар кўрганмиз. Алишер Навоий, Бобур, Нодира, Муқимий, Бехбудий, Чулпон, Фитрат, Қодирий, Ойбек, Ҳабиб Абдуллаев, Яхё Фуломов, Зулфия, Озод Шарафиддинов сингарилар комил инсон сифатида танилганлар.

«Баркамол» деганда давом этаётган жараён тушунилади. Баркамол авлод – ўрганаётган, ҳаёт илмини ўзлаштираётган ёшлар. Ҳар бир соҳа кишилари баркамол этилаётган авлодга муносиб асарлар, кашфийтлар, янгиликлар яратиб бериши лозим. Истеъдодли шoir, адиб ёшлар қалбидидаги гапларни топиб-топиб, маромига етказиб-етказиб айтиди. Ўзбек шеърини майдонидида сал кам эллик йилдан бери жўшиб ижод қилаётганлардан бири Ойдин Ҳожиёвадир. Шoir асарларининг бадий фазилатлари ҳақида кўп гапиршиш мумкин. Унинг шеърларида самимийлик, дилини бор-бўйича акс эттириш хусусияти аниқ, ра-



ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

аниқ кўриниб туради. Ундаги ҳар бир мисрада оҳанрабодай тортиш, ишонтириш сеҳр-кучи бор:

Беморлигим,  
бедорлиқларим,  
Азоб ила хушёрлиқларим,  
Фафлатиму ўтли тугўним,  
Ғолиблигим,  
абгорлиқларим  
Билан сени севаман, ҳаёт!

Ўзбекистон халқ шoirаси Ойдин Ҳожиёва шеърларида нур ва соя гармонияси, хушхўллик ва тушкунлик зиддияти, лаҳза ва мангунлик фалсафаси баҳси бекторор йўсинда акс этади. Зийрак баркамол авлод шoirа шеърларидаги мушфиқлик, назокат, самимийлик, ўзига хос эркиликни ҳис этади.

Ёшлар дунёни англамоқдалар. Ёзувлик нима, қабоҳат недир, тинчлик, оқсойишталик рамзи бўлган катталарни улқасхўрдай жангари учоқлар нечун безовта қилмоқдалар? Эъзулик нима-ю, қабоҳат недир? Ўзбекнинг фидойи ўғлини – Халқ шoirи Иқбол Мирзо «Ўзбек чироқлари» шеъринида ўта муҳим, мураккаб муаммони бадий ҳал эта олган.

Унда макон топган  
боболарим бор.  
Савоб ва саховат  
ўзбекка мерос,  
Шу боис қулбалар  
заифа тўлди.  
Навойнинг руҳи шод  
бўлган рост:  
Боболарим қабри  
Нурафшон бўлди.  
Ғафлатдан исканиб  
уйғонар дунё,  
Тиниқ тортар Темур сув  
ичган булоқ.  
Боболар чироғин  
ёқибсиз илло,  
Ҳеч қачон ўчмаган!  
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,  
2010 йил 18 июнь

Кўш тилини кўш биледи, деган нақл бор. Ҳозирги баркамол авлод ўзидан салгина ёши улғу шoir, шoirалар асарларини қалбларига яқин олмоқдалар. Ёш ёзувчилар янгича шароитда, оталарга меҳр-эъзозни ҳис қилиб улғаймоқдалар. Улар руҳида мутелик, ҳадиқ, қўрқув туйғуси йўқ. Ёшлар истаган мавзуларида, адабий йўналишларда

эмин-эркин ижод қилмоқдалар. Шодмонкул Саломов, Муҳиддин Абдусамад, Муҳаммад Сиддиқ, Бехзод Фазлиддин, Нодир Жонзоқ, Баҳодир Баҳром сингарилар асарларида ўқтам овоз, бекторор ўзлик кўзга аниқ ташланиб туради. Ўзбекистон Миллий университети талабаси Баҳодир Баҳром ёзади:

Умрим қисқа,  
менинг ҳаётим қисқа,  
Бир лаҳза тин олмай  
шошиб кетгаймман.  
Бу тоғларнинг нима  
бўлибди дунё,  
Ҳали қўбшдан ҳам  
ошиб кетгаймман...

Бугунги ўзбек насрининг даргалари ҳақида гап бора, сўзсиз, Эркин Аъзам асарлари тилга олинади. Унинг «Ёзувчи», «Аралашқурғон», «Сув ёқалаб», «Забарҷад» асарларида ҳозирги ҳаётнинг жўшқин нафаси, кишилар қайфияти аниқ кўриниб туради. Эркин Аъзам асарларини ўқир эканман, донни ҳасдан ажратиб олаётган деҳқон меҳнатини кўргандай бўламан. Ҳаёт – ҳар хил одамлар яшайдиган майдон, мисоли. Ҳар бир одам, шoir ёзганидай, ўз қўшигини айтиб ўтади. Эркин Аъзам ёзувчининг мураккаб ҳаётини қайноқ жараён орқали кўрсатади. Эркин Аъзам яратган Забарҷад, Болта Мардон, Баҳром («Қарздор») сингарилар характерларда бугунги кун хусусиятлари кўзга ташланади. Ҳозирги ёшлар Эркин Аъзамнинг ҳикоя, киноқисса, қисса, драмаларидан кўп нарсаларни ўрганишлари, маънавий оламларини бойитишлари мумкин. Шу кўнги ҳаётни акс эттирган бу асарни ўқиган ҳар бир ёшда кекса авлодга нисбатан ҳурмат-эътибори ошади, шубҳасиз.

Ёш авлод – довонда турган улкан куч. У юқорида ўрлаши ҳам, жойида туриб қолиши ҳам, ортга қайтиши ҳам мумкин. Ҳар бир жамият ёшларнинг қайфиятини, имкониятларини ҳисобга олади. Маънавияти юқсак, интеллектуал салоҳияти кучли, тамаддуни бақувват авлод табиийки, ҳаммиша ўзларининг қайфиятини, имкониятларини ҳисобга олади. Маънавияти юқсак, интеллектуал салоҳияти кучли, тамаддуни бақувват авлод табиийки, ҳаммиша ўзларининг қайфиятини, имкониятларини ҳисобга олади. Маънавияти юқсак, интеллектуал салоҳияти кучли, тамаддуни бақувват авлод табиийки, ҳаммиша ўзларининг қайфиятини, имкониятларини ҳисобга олади.

Ёш авлод – довонда турган улкан куч. У юқорида ўрлаши ҳам, жойида туриб қолиши ҳам, ортга қайтиши ҳам мумкин. Ҳар бир жамият ёшларнинг қайфиятини, имкониятларини ҳисобга олади. Маънавияти юқсак, интеллектуал салоҳияти кучли, тамаддуни бақувват авлод табиийки, ҳаммиша ўзларининг қайфиятини, имкониятларини ҳисобга олади. Маънавияти юқсак, интеллектуал салоҳияти кучли, тамаддуни бақувват авлод табиийки, ҳаммиша ўзларининг қайфиятини, имкониятларини ҳисобга олади.

ган. Дашту далалар қадим-қадимлардан бери ҳайвонот оламига, ҳашаротларга, одамзодага бирдай эъзозли макон ҳисобланган. Дашту далалар талон-тарож бўлиб кетяпти: ҳайвонот, наботот, жамодот оламига путур етяпти. Инсоният улқуқисз келажакка интиломоқда. Ҳўш, ёшлар ўтмишидан, кўҳна макони – дала-даштлардан воз кечиши керакми? Йўқ. Албатта. Табиий маконини асраб-авайлай олган авлод келажакка эркин парвоз қилади. Ҳозир бадий адабиёт ўтмишини асраш, келажакка интилиш ғоясини илгари сурмоқда. Уни адабиётшунос, нафосатушунослар этнофутурология демоқдалар. «Дашту далаларда» романи, «Қизилқум ҳайратлари» бадиалари этнофутурология йўналишида яратилган асарлардир. Тарихий асарларнинг қиммати шундаки, у ёш авлодда миллий ўтмишга ҳурмат, садоқат руҳини тарбиялайди. Амир Темур, Бобур, Жалолиддин жасорати, ватанпарварлиги руҳида тарбия топган авлод келажакка ишонч билан интилади. Бадий адабиётнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти барча ёшларга йўлчи юлдуз бўлиб қолаверсин. Ёшларнинг бадий наср соҳасидаги интилишлари анча самарали кечмоқда. Шодмонкул Саломовнинг ҳикоя, бадиалари диққатни жалб этади. Баҳодир Қобул бир неча ҳикоялар чоп эттирди. Унинг «Нафақа» ҳикоясини матнинг пишиқлиги, тасвирнинг тиниқлиги, қаҳрамон характеридидаги асосий нуктани бехато топганлиги билан тилга тушди. Нурилла Чори, Холиёр Сафаров сингарилар илк ҳикоялари билан нималарга қодир эканликларини кўрсатдилар. Биз кўпроқ ёш ёзувчи ва шoirларнинг ижодига назар ташлаганимизнинг сабаби шундаки, улар ҳозирги ёшларимизнинг вакили. Уларнинг ижодини ёшларимиз севиб ўқийляпти. Бу асарлардан баҳраманд бўлганлар ҳаёт таърибасини ҳам ўрганадилар. Адабиётнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида гап кетганда ана шу ёшларнинг асарлари йигит ва қизларга қандай таъсир кўрсатаётганини айтиб ўтдик. Дилдан ёзилган назм ва наср кўнглига яқин бўлади.

Абдуғафур РАСУЛОВ,  
филология фанлари доктори, профессор.



«Баркамол авлод – юрт келажяги» танловига

ЭЛ ҚОРИГА ЯРАЁТГАНЛАР

**Нух пайгамбар биринчи ток кўчати ўтказётганда шайтон келиб сўрабди:**  
 – Бу кўкарса нима бўлади?  
 – Узумзор, – дебди у киши.  
 – Мени шерик қилмайсанми?  
 Розилик берибдилар. Шайтон нима қилибди денг? У кўй, шер, маймун ва чўқани ҳайдаб келибди-да, барчасини сўйиб, қонлари билан тоқларни сўғорибди.  
 Ушандан бўён шароб ичган одам ашвал қўйдек ювшо бўларкан, кейин шердай ваҳшиллашар, сўнгра маймунга айланаб ва охирида чўқадек ахлатга аганар экан.

Бектемир туманилик Ю. Алишернинг ёши йигирма бешни қоралаб қолган. Ўғай ота қўлида ўсган бўлса-да, ундан завол қўрмади. Аксинча, ўқиган, дунёқараш кенг бу инсон ўз фарзандлари қаторида уни ҳам ардоқлади. Теңдошлари мактабни тугатиб, ўз келажягини яратишга интиди. У эса илк қадамини тақасалтанглик, бекор юриш сари ташлади.

Тўри, ўғай ота ёрдамида бир-икки жойда ишлаб кўрди. Бирок ҳозирги шароитда бемақсад, ҳунарсиз ва ишқамас киши кимга ҳам керак бўларди. Бекорчилик уни ичишга, ўзи сингариларга қўшилиб, вақтни беҳудага сарфлашга ўргатиб қўйди. Ақсарият ҳолларда ҳамтовоклари билан бўкиб ичар, сўнгра уйга келиб, ҳаммаёқни остин-устун қилар, жанжал чиқариб, хонадондагиларнинг тинчини бузишни одат қилиб олди. Панд-насихатларни эса ўзига юктирмасди. Охириги қилгани айниқса охиби тушди: оёқда зўрга турар, бир қўлида пичок, иккинчисида эса ўроқ, «Телефонинг бермасангиз, ҳаммангиз чавақлайман» дея онасига қараб шердай бўкиради.

– Қандай чидаш мумкин бу баттол

фарзанднинг қилиқларига, сени худодан сўраб олгандим, шайтондан эмас, – дея оқ урарди онаизор.

Жонига осойишталик посбони оро кирди. Тумандаги О. Аширов номли маҳаллага капитан Зухриддин Умаров профессорликка инспектори этиб тайинланган кун гапнинг рости, бу ерда яшаётган кишилар шуурида қувонч балқиди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Анча йиллар олдин ҳам ана шу ходим мазкур худудда ишлаб, етти ёшдан етмиш ёшгача, барчанинг қалбидан жой олган ва кўплаб ноқонуний ишларни бартараф этишда бош-қош бўлганди.

– Худудимизга сизни профилактика инспектори қилиб юборишгани зап иш бўлибди, – деди маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Маҳмуда Бегматова Зухриддинни кутиб оларкан. – Биргаликда қўлдиган ишларимиз кўп. Хонадонларнинг барчаси билганингиздек, ўша-ўша. Аммо иккимий масаллар ҳамда ёшларга таълим-тарбия бериш борасида бир талай муаммолар тўланиб қолган.


Раисанинг айтганича бор экан: профилактика инспектори буни дастлабки иш кўчалари айланаб, хонадонларга кириб-чиқётганда ҳис қилди.

«Худуддаги янги қурилишлар, дала ховлилар сони кўпайганини айтмасан, деярли ўзгармабди», – кўнглидан ўтказди у. Одамларнинг бўш вақтини ҳисобга олиб, яқшанба кўни йиғилиш ўтказишни дилига тугди ва бу борада раиса билан маслаҳатлашди.

Фооллар, оила бошлиқлари милиция таянч пунктига йиғилгач, узоқ фикр алмашиди. Гийёвандлик, аққидарастликка қарши ва ёшлар бу йўлга кириб қолмаслик учун масъулиятни янада ошириш юзасидан аниқ тақлифлар ҳамда мулоҳазалар айтилди.

Маҳаллада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган мулоҳазалардан профилактика инспекторининг кўнгли анча таскин толган бўлса-да, аммо икки жиҳат уни ўйлатиб қўйди. Аввало, ўшбу йиғилишда ёшлар ҳамда вақтинчалик шу ерда яшовчиларнинг иштироки таъминланмаганидан хайратланди. Иккинчиси эса, ичкиликка ружу қўйган, касб-корининг тайини йўқ ва назоратга олинган айрим ёшларнинг ота-оналари ҳам ана шу тadbирда қатнашишганига қарамай, улардан бирорта фикр эшитмагани эди. – «Хўш, нима қилиш керак?» – бу ҳақда ҳозир айтмасан, кейин яна қачон шунча кишини тўпалаб бўлади? Профилактика инспектори дилидагини ичда сақлаб туролмади. Тарбияси оғир, деб гумон қилинган ёшлардан бир неча нафарининг ота-онасини турғизиб, бу борадаги режа ва мақсадлари билан қизикди.

Таҳлилларда шу нарса аён бўлдики, барча дилхиралликлар асосан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга этибор суйайганиги сабабли улар кўнглиларига келган ишни қилишга одатланган. Шу кўндан бошлаб маҳалла фуқаролар йиғини раисаси, кўча бошлиқ-



лари ва маҳалла посбонлари ҳамкорлигида барча хонадонларга кириб, ахвол пухта ўрганилди, ёшлар билан сўхбат уюштирилиб, уларнинг қобилияти ва қизиқишига алоҳида этибор қаратилди. Ишсиз юрган ва ичкиликка мойиллиги бор 10 нафардан ортқ йигитлик бўлибди, – деди раиса.

Эртасига тadorиклар кўрилди. Маҳалла фонди ҳисобидан спорт кийимлари ва бошқа зарур ашёлар харид қилинди. Барча ёшларни тўпалаб, худуддаги мўъжазгина майдонда спортнинг футбол, волейбол, енгил атлетика каби турлари бўйича машғулотлар бошлаб юборилди. Фаоллар, шу жойда яшовчи тadbиркорлар вақти-вақти билан уларни кўпалаб, яхши кўрсаткичга сазовор бўлган ёшларни рағбатлантириб боришди. Энди болалар бўш вақт топилди дегунча спорт майдончасига келадиган бўлиб қолишди.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Айни пайтда О. Аширов номли маҳалланинг ёшлардан иборат иккита футбол гуруҳи бор. Хар иккала гуруҳ ҳам тумандаги мактаблар ва ёшлар ўртасида ўтказиб келинаётган мусобақаларда голибликни кўлдан бермапти.

Халқимизда: «Яхшилик – эзгуликка етаклар» деган нақл бор. Профилактика инспектори, капитан Зухриддин Умаров галдаги режаларни кўриб чиқётганда тadbиркор аёл Мавлуда Исмоилованинг хонага кириб келганини сезмай ҳам қолди. Қол-ахвол сўрашгандан сўнг опа гапини чўзиб ўтирмади.

– Маҳалламиз ёшларидан бир неча нафарини қосибликка ўргатишқиман. Шунга вақт топиб, раиса билан бирга бориб жойни кўрсангизлар. Маъкул келса кам даромадли ва кўп болали оилалар фарзандларини қосиб қилишни дилимига тухқандим, – деди у.

Қисқаси, ҳамкорлик асосида зарур шарт-шароит яратилгандан сўнг 12 нафар ёшлар ана шу хонадонда қосиблик сирларини ўрганишмоқда. Улар тикаётган миллий пойсақаллар нафақат бежиримлиги, балки бетакорлиги билан ҳам ҳар қандай кишининг эътиборини тортади.

Эндиликда маҳаллада М. Исмоилова сингари тadbиркорлар ижтимоий масалаларни қарор топтириш ҳамда баркамол авлодни рисоладагидек вояга етказишда профилактика инспектори ва раисага елкадош бўлишга эришди. Яқинда уларнинг саховати тўғрисида 10 та кўп қаватли турар жой биноларининг ён-атрофи таъмирланиб, спорт майдончалари ва гулзорлар барпо этилди. Шунингдек, тўрт нафар ишбилармон эса боқувчиси йўқ, кам таъминланган дегунча спорт майдончасига келадиган бўлиб қолишди.

– Фуқаролар билан яқин ҳамкорлик қилиш учун милиция таянч пунктида барча шароитлар яратилган. Компьютер, ҳуқуқий мавзудаги қўлланмалар ва бошқа керакли нарсалар ҳамisha улар хизматида, – дейди профилактика инспектори. – Ёшларни тўғри йўлга бошлаш ва уларнинг бўш вақти янада мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида бир қанча истиқболли режалар тузиб олганмиз. Мухими, бу режаларимиз болалар ҳамда ота-оналарга жуда маъкул келмоқда.

Милиция таянч пункти телефонининг жаранги сўхбатни бўлиб қўйди. Гушакни кўтарган Зухриддиннинг бироздан сўнг юзида табассум балқиди. Иккинчи томондан гапираётган аёлнинг сўзлари бизга ҳам эшитилиб турарди:

– Ўғлим Зухриддинжон, оиламизга қилган яхшилигингиз учун сизга раҳмат! Фарзандим Алишер ишга жойлашгандан бўён ичкилик ичмаяпти, уй юмушларига ердан беради, бугун биринчи маошини олиб келиб, қўлимга тутқазди...

Ҳа, профилактика инспектори, капитан Зухриддин Умаровга ана шундай мазмунли миннатдорчилик изҳор қилаётганлар биринчиси эмас. Мазкур маҳаллада хизмат бошлаганидан бўён кўпалаб оила бошлиқларининг қалбидан жой топа олди. Бу ҳақда батафсилроқ сўзлаб беришни сўраганларга эса хизмат бурчимизни ўтагимиз, ҳолос, дея камтарлик билан жавоб қайтарди.

**Абдусамий ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
**«Поста» мухбири.**  
 Суратда: капитан З. Умаров туман ИИБ ҲООб бошлиғи, майор Ш. Дада-хўжаев билан.  
 Ш. КАҲҚОРОВ олган сурат.

Спортимиз юлдузлари

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ ҚЎЛИ ЯНА БАЛАНД

Мамлакатимизда, жумладан, ички ишлар идораларида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вакилларимизнинг республика, қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилаяпти. Транспорт ИИБ ходимлари орасида нафақат республикамиз, шунингдек, дунё миқёсидан таниш бўлган спортчилар борлиги фикримизнинг далилидир.



– Чунки уларнинг машқ қилиши, маҳоратини ошириши учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилияпти. Бу спортчилар юртимиз шарафини ҳимоя қилиш билан бирга, ички ишлар идораларида ҳам спортни ривожлантириш борасида аҳамиятга молик ишлар амалга оширилаётганига далилдир. Капитан Шавкат Жўраев, катта лейтенант Дамир Мухидов кўп-кўп республика, қитъа, жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишяпти. Бу йиғиларимиз шу йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган самбо

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган самбо бўйича Осиё чемпионатида Транспорт ИИБ Ховос темир йўл бекати ИИБ ҲООб вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, капитан Шавкат Жўраев ва Навоий темир йўл бекати тармоқ ИИБ ЖК ва УЖҚБ тезкор вакили, катта лейтенант Дамир Мухидовлар республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Катта лейтенант Дамир Мухидов биринчи даврада Япония вакиллари билан куч синатиб, уларни енгди. Иккинчи даврада киргизистонлик полвонлар ҳам унинг маҳоратига тин беришди. Ярим финалда россиялик полвонни мағлуб этган Дамир Мухидов финалда покостонлик рақиб билан гиламга чиқди. Ҳамюртимиз, ички ишлар идоралари ходими бу нуфузли мусобақага ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганлини амалда исботлаб, 68 килограмм

вазндаги самбочилар орасида голиб чиқди ва учинчи марта Осиё чемпиони деган юксак шарафли номга эга бўлди.

Транспорт ИИБ Ховос темир йўл бекати тармоқ ИИБ ҲООб вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, капитан Шавкат Жўраев ҳам ҳар гал гиламга чиққанда муҳлислар узоқ оқиниладилар. Чунки бу спортчи мусобақада капитан Шавкат Жўраев дастлаб Корё вакиллари, кейин Россия самбочилари билан беллашиб, голиб бўлди. Финалда қозоқ полвонини енгди, тенгсиз эканлиги намоян эди.

– Полвонларимизнинг қитъа чемпионатида ҳам қўли баланд келишини ҳис этгандик, – дейди Транспорт ИИБ ШТББХ катта инспектори, майор Қосим Сатторов.

Биласизми?

Шу кунларда бутун дунё футбол жамоатчилигининг нигоҳи Жанубий Африка Республикасига қаратилган. Негаки, Африка қитъасида биринчи бор ўтказилаётган Жаҳон чемпионати айна пайтда қизгин паллага кирди. Ишқибозлар голиблик учун кураш олиб бораётган 32 мамлакатнинг миллий терма жамоалари иштирокидаги ажойиб ўйинлардан баҳра олишмоқда, кутилган ва кутилмаган натижаларнинг гувоҳи бўлишмоқда. Қўйида Жаҳон чемпионати бахслари тўғрисида эмас, балки миллий терма жамоаларнинг рамзий номлари, лақаблари ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Миллий терма жамоаларни тимсоллар билан аташ ёки уларга лақаб бериш Африкада кенг тарқалган. Эътиборли жиҳати, «қора қитъа»да жойлашган мамлакатлар миллий терма жамоаларининг лақаблари асосан қитъанинڭ ёввойи табиатида учрайдиган ҳайвон номлари билан боғлиқ. Масалан, Гамбия терма жамоаси «Чаёнлар», Кот-Д-Ивуар «Филлар», леотиликлар «Тимсоҳлар», Кабо-Верде футболчилари эса «Кўк наханглар» номи билан машҳур. Мабодо, бундан беҳабар футбол муҳлиси «Чаёнлар филларга наштар санчиб олди» ёки «Тимсоҳлар кўк наханглар билан тушиқ қилди» каби сарлаҳали мақолаларни ўқиб, гап нима ҳақда кетаётганини тезда англаб етмаслиги табиий ҳол.

Илк бор Африка қитъаси вакили мезбонлик қилаётган бу галги мундиал иштирокчилари ҳам, албатта, ўз лақаблари ёки рамзий номларига эга. Хусусан, Голландия терма жамоасини

«Лоларангиллар», Нигерия термасини «Супербургутлар», Камерунни «Живоланмас шерлар», италиялик футболчиларни «Мовий гвардия», японияликларни «Кўк самурайлар» деб аташади. Жазоирликлар эса сеvimли жамоасига «Сахро тулкиган» номини муносиб кўришган. Дарвоқе, мусобақа мезбони – Жанубий Африка Республикаси миллий терма жамоасининг лақаби бироз бошқача: «Бафана-Бафана» («Йигитлар-Йигитлар»). Нега дейсизми? Гап шундаки, ЖАРлик журналист Сбу Мселеку терма жамоаси «Бафана-Бафана» деб атаган ҳолда, ўзига хос мадҳия ёзади. Бироқ бу ном мамлакат Футбол федерацияси мутасаддиларига негадир маъкул келмапти. Шунга қарамай, бу лақаб футбол муҳлисисига ёқиб тушади ва тезда оммалашди кетади.

Миллий терма жамоаларининг

**«БАФАНА-БАФАНА»**  
**ЁКИ**  
**«КАНАРЕЙКАЛАР»**

лақабланишида ранглар ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ҳол кўпроқ футболчилари киядиган спорт либосларининг рангларини асосий мезон қилиб оладиган Жанубий Америка давлатларига хос хусусият саналади. Жаҳон футболига кўп-кўп футбол «сехр-гарлари»ни тарбиялаб берган Аргентинанинг «Оқ ва мовий рангилар» (испан тилида «Ла Албаседесте»), Бразилиянинг «Канарейка» ёки «Сариқ рангилар» (португал тилида «Канарины»), шунингдек, Чилининг «Қизиллар», Парагвайнинг «Уч рангилар» деб аталиши сўзимиз тасдиғидир.

Кўриниб турибдики, миллий терма жамоаларга лақаблар бежиз қўйилмапти. Уларнинг ҳар бири ўзига хос мазмун-моҳият ва тарихга эга. Хар бир лақаб замирида юрт тарихи, аёна ва қадриятлари ҳамда миллат менталитети мужассам. Шу тўғрисида ҳам терма жамоаларнинг рамзий номлари оммалашиб, машҳур бўлиб кетган.

**Камол АЛЛАЁРОВ.**

ИСТОМИН – УЧИНЧИ БОСҚИЧДА

Лондонда теннис бўйича «Катта дубулга» туркумига кирувчи дунёнинг энг нуфузли тўрт турниридан бири – «Wimbledon» мусобақаси қизгин паллага кирди.

Жаҳоннинг энг кучли ракетка усталари иштирок этаётган мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Денис Истоминонинг ўйини муҳлису мутахассисларга манзур бўлмоқда. У жаҳон рейтингда юқори ўринларни эгаллаб турган теннисчиларни кетма-кет мағлубиятга учратмоқда.

Дастлабки учрашувда швейцариялик Станислав Вавринкадан 6:7, 6:1, 2:6, 7:6, 6:3 ҳисобида устун келган Денис Истомин учинчи босқичга чиқиш учун германиялик Райнер Шуттлер билан рақобатлашди. 23 ешли теннисчимиз тажрибали рақибни 6:3, 7:6, 4:6, 4:6, 6:1 ҳисобида мағлуб этди. Энди Денис бош совринга асосий даввогарлардан ҳисобланган чехиялик Томаш Бердх билан куч синатишади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**  
 Ўза шарҳловчиси.

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

КРИПТОГРАММА

Маънолари қўйида баён этилган тўққизта сўзни топинг ва уларнинг таркибидagi барча ҳарфларни криптограмма катакларига тегишли тарзда жойлаштириб чиқинг. Агар мазкур сўзларнинг ҳаммаси тўғри топилган бўлса, сиз криптограммда сўз зарғари, устоз адиб Абдулла Қаҳҳор айтиб кетган ҳикматлардан бирини билиб оласиз.

- I. Ижобий меҳнат маҳсули – 4,3,4,16.
- II. Адабий жанр – 1,2,3,3,4.
- III. Тахририят раҳбари – 12,8,14,4,16,16,2,16.
- IV. Турар жой биноси – 8,17.
- V. Хўл мөва – 18,16,2,19.
- VI. Ўзбек кинорежиссёри Наби Фаниевнинг машҳур фильми бош қаҳрамонларидан бири – 6,8,14,16,4.
- VII. Матбуот маҳсулотларини тайёрлаш ва нашр этириш билан шуғулланувчи мусассаса – 10,4,7,16,2,5,11.
- VIII. Келсангиз ҳам, келсангиз ҳам ҳар замонда, Кўл беришни, йўл беришни қилмас қанда (топишмоқ) – 15,7,2,19.
- IX. Тошкент вилоятидаги шаҳар – 9,2,16,9,2,1.

**Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**

АҚЛ ЧАРХИ

Газетамизнинг 12 июндаги 24-сонидa берилган машқларга қўйидаги муҳлисимиз тўғри жавоб йўллашган: **Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ИИБ ходими, ички сержант Мансурбек Раҳимов ва Бухоро вилояти Олот тумани ИИБ ходими, сержант Содик Пириев.**

Жавоблар қўйидаги:

Икки юриш. 1. Рух d5; Шох x d5. 2. Рух d4#;  
 Уч юриш. 1. Фарзин g6; Шох x c5. 2. Фарзин b1; Шох c4. 3. Фарзин b5#.

**НАВБАТДАГИ МАШҚЛАР:**

Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

Оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.

**Билимингизни синаб кўринг!**  
**Жавобларингизни 232-05-51 (факс)га жўнатишингиз ёки 231-40-92 рақамли телефон орқали билдиришингиз мумкин.**



Турмуш чорраҳаларида

(Давоми. Бошланғич ўтган сонда). Хилола йигитга ҳам ўзини таништирди. Бундан олти ой бурун қўшнингизни...

гиб, бир неча жойни шикастлаган ҳам эди. Кундаков қилинган даракларнинг ўрни биланмаслиги чоралари кўрилганда...

Баланд овозда айтилган қатъий тақий уни янада эсанкиратиб қўйди. Сигарет қутисини чўнтагига солар экан...

ди. Бунинг устига ҳовлини сотмоқчи бўлганингиз қилган жиноятингиз учун жазодан осонгина қутилиб қолишга уринганингизни кўрсатади...

КАЛАВАНИНГ УЧИ

(Ҳинқоя)



амалга оширдим, уни фоз этишининг ҳеч бир илоҳи йўқ деб ўйлагансиз. Аммо изларни йўқотаман деб баттар хатога йўл қўйгансиз...

Ҳаёт сўқмоқларида

Шаҳар осуда ва осойишта турмуш тарзидан янада файзли бўлиб, вақт деб аталмиш учур отни ҳар ким ўзи истаганча елдиради. Кўп қаватли уйлардан унча узоқ бўлмаган жойдаги ахлатхона олдида кун пешиндан оққан пайтда одатдагидек ахлат титувчи киши пайдо бўлди...

йигирма бирга кирган ёш келинчаки саросимага солди. Уни қабристонга қўнгансиз, деб узоқ ўйлагандан кейин зўрға жавоб қайтарди аёл...

Одам савдоси - оғир жиноят

Аёллар ҳақида доимо яхши сўз айтаемиз. Аммо шולי курмаксиз бўлмаганидек, бу муқаддас номга доғ туширувчилар ҳам борлиги ачинарлидир. Ж. Сайёра билан Э. Дилрабо мўмай пул топшиш мақсадида жиноят кўчасига киришларини ҳеч ақлга сиғдириб бўлмайдилар...

Сайёра ўтган йили Янгйер шаҳрида Дилрабо билан танишди. Аёлларни алдаб, хоризга олиб ўтиш билан шуғулланиб, пул ишлашга муккасидан кетган бу шахслар узаро жиний тил бириктиради. Сайёра ўзига ўхшаш аёлларни топиб, Қозғистонга - Дилрабонинг олдига юбориб туриши, у эса ҳар бир «мижоз» учун 100 АҚШ доллар тўлашини келишиб олади...



Расмларни Муродов УНГАРОВ чизди.

ФАЙРИТАБИЙ ТОПИЛМА СИРИ

Бу гал каттароқ буюмни топдим шекилли, деб хурсанд бўлган Мирон амакининг қувончи узоққа чўзилмади. Қўлига илиниб чиққан одам оёғини кўриб, ҳушини йўқотишига бир баҳа қолди. Тезда ўзини қўлга олиб, туман ИИБ навбатчилик қисмига сим қокди.



ди. Уни кўриб қолган ИИБ бошлиғи, ёнига чакириб: - Шу пайтгача қаерда юрибсиз? Бу ерда ҳамма тер тўкиб ишлаяпти, масъулятни сезиш керак, ўртоқ капитан, - деб қўйиб берди.

аёл ноласига ҳеч шубҳа қолдирмади. - Бунинг қотилликка алоқадор эмаслигини қандай пайкаган эдингиз? - сўради бошлиқ капитандан.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вазирлик Ж.В. ва ТҚББ катта тезкор вакили, подполковник К. Юсуповга отаси

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вазирлик ИИБ ҳисобчиси, кичик сержант Г. Иннамовага отаси

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Қўзғилтепа тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, капитан

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Қўзғилтепа тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, капитан

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ томонидан Дилором Раббимқул қизи Хайдарова бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 1992 йилда туғилган, Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Лисунов кўчаси, 35-уй, 20-хонада яшаган. Шу йил 28 май кунини уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ИИБ томонидан 1968 йилда туғилган, Қўқон шаҳар Низомий кўчаси, 28-уйда яшаган Раҳман Раҳмонов Усмонов жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган Жаҳонгир Фазлиев Маллаев Самарқанд вилояти Ургут тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда. У 1983 йилда туғилган, Ургут шаҳар Ибн Сино кўчаси 8-йўлак, 18-уйда яшаган.

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган Шавкат Абдурашидов ҚАСАНОВ Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда. У Самарқанд вилояти Булунгур туманида туғилган. Булунгур тумани «Уртабулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини, Тинчлик қишлоқда яшаган.

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган Шавкат Абдурашидов ҚАСАНОВ Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани ИИБ ёки яқин ўртадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган Рустам Хасанович ЗОХИДОВ Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда. У 1972 йилда туғилган, Ургут тумани Тошарқ маҳалласида яшаган.

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган Нарғиза Гафурова ҲАКИМОВА Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ички ишлар бошқармаси Тошкент аэропорти тармоқ ИИБ томонидан қидирилмоқда. У Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Хатирчи кўчаси, 75-уйда яшаган.

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган Нарғиза Гафурова ҲАКИМОВА Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.



Мукофот муборак!

«ЭЛУ ЮРТ ПОСБОНЛАРИ – ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ» ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ

Ички ишлар идоралари ходимларининг элу юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш борасидаги фаолиятини ёритиш мақсадида «Postda» ва «На посту» газеталари, «Qalqon», «Шит» журналларида ташкил этилган танлов натижасида...

БИРИНЧИ ҲАРАТ:

– ИИБ Бирлашган тахририятининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири Дурдубой Худойшукуровга – «Postda» газетасида чоп этилган «Одамлар орасида», «Қабоҳат», «Қийшайган симёғоч сири» мақолалари учун.

ИККИНЧИ ҲАРАТ:

– ИИБ Бирлашган тахририяти фахрийси, журналист Шаҳзода Худойбердиевага – «Postda» газетасида чоп этилган «Ҳасад», «Хилватдаги қотиллик» детектив хикоялари ҳамда «Qalqon» журналида босилган «Қишлоқдаги қотиллик ёки синчков инспекторнинг уни фош этиши ҳақида» номли мақолалари учун.

– ИИБ Бирлашган тахририятининг Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири Худойберган Жабборовга – «Postda» газетасида чоп этилган «Саксовул остидаги топилма», «Мунгли қалблар нидоси» детектив хикоялари ҳамда «Qalqon» журналида босилган «Қишлоқдаги қотиллик ёки синчков инспекторнинг уни фош этиши ҳақида» номли мақолалари учун.



УЧИНЧИ ҲАРАТ:

– Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Шухрат Абдуҷабборовга – «Postda» газетасида чоп этилган «Ертўладаги қабр» детектив хикояси, «Qalqon» журналида босилган «Изоғуварга эргашган руҳлар» воқеий хикояси ва «На посту» газетасида эълон қилинган «Не была бы равандушой» мақоласи учун.

– ИИБ Бирлашган тахририятининг Фарғона вилояти бўйича ўз мухбири Раҳмонали Қосимовга – «Postda» газетасида чоп этилган «Маққора келин», «Qalqon» журналида босилган «Тафтини йўқотган интиқом» мақолалари учун.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ:

– ИИБ Бирлашган тахририяти мухбири Азизжон Файзиевга – «Postda» газетасида чоп этилган «Хиёнат бекати» детектив хикояси учун.



Гойибларни самимий қутлаб, уларнинг келгуси ижодларига муваффақиятлар тилаймиз.

ИНТИЛАНГА ТОЛЕ ЁР

Майсарда ижодкорлик ҳисси мактаб даврида шаклланиб, ўқувчилик йилларида деворий газеталарда фаол иштирок этарди. Тошкент шаҳридаги халқаро Эколо-гуманитар академиясида тахсил олган йилларида ҳам ўз ижоди билан вақтли матбуотда чиқишлар қилиб турди. Олийгоҳнинг журналист – эколог йўналишини муваффақиятли тугатиб, мактабда ёшларга беш йил сабоқ берди.

Матбуотда дастлабки фаолиятини «Бекажон» газетасида жамоатчи мухбир сифатида бошлаган Майсара бу жойда қаламини чарқалади. Ўз устида ишлаб билим ва малакасини оширди. Касб сирларини тажрибали журналист Раъно Маҳмудовадан ўрганди. Мана, қарийб олти йилдирки,

вилоят ИИБ муассислигида чоп этилаётган «Посбон» газетасида меҳнат қилиб келмоқда. Вақт топиб воҳанинг олис туманларида хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти ва кенг жамоатчилик билан осойишталикни янада мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлиги самарасини кўрсатди.

сига оид репортажлар тайёрлашдан чарқаламайди. Ёшлар ҳаёти ва ўсмирлар ўй-кечинмалари акс эттирган долзарб мақолалари билан чиқишлар қилиб келмоқда. Жумладан, унинг воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳаси ходимлари билан ҳамкорликда «Давомат», «Ўсмир» профилактик тадбирлари бўйича Қарши туманидаги қатор коллежларда ўтказган рейди ҳосиласи – «Ўсмир тарбиясига ким масъул?» сарлавҳали мақоласи чоп этилган, ўз ишига совоконлик билан ёндашиб келаётган бир гуруҳ ўқувчилар интизомий жазоланиб, таълим даргоҳларида аҳвол анча яхшиланди.

Бундан ташқари, жамият иллатига айланган ва ёшлар ҳаётига тобора сингиб бораётган «Би-тирив оқшомлари керак (ми?)», «Ичкиликбозлик аёлларга хосми?» сарлавҳали мақолалари унинг тобора соҳага иктисослашиб бораётганидан далолатдир.

Содиқжон РАҲИМОВ, ўз мухбиримиз. Қашқадарё вилояти.

ҲОЗИРЖАВОБ ИНСПЕКТОР, ФАОЛ ТАСВИРЧИ

Оила даврасида згизак фарзандларининг туғилган кунини нишонлаб, уларнинг хурсандчиликларидан мамнун бўлиб ўтирган катта лейтенант Назиржон Йўлдошев телефон овозидан хушёр тортиди. – Назиржон, ҳозир машина боради, тезда етиб келинг, жиноят содир этилган жойга чиқишимиз керак. – Тушундим, – деди Назиржон.

Бундай ҳолатга рафиқаси ҳам, фарзандлари ҳам ўрганиб қолишган. – Ошми сузмокчи эдим, еб кетсангиз бўларди, – деди турмуш ўртоғи. – Сизлар туғилган кунни давом эттираверинглар, бормасам бўлмайди, – деди у.

Ички ишлар идораларидаги матбуот хизмати ходимларининг фаолияти ана шундай тезкор. Жиноят содир этилса ёки бошқа бирор воқеа рўй берса, матбуот гуруҳи инспектори ҳам зудлик билан етиб боради. Чунки тезкор ходимларнинг хизмати курсатиш лозим. Ички ишлар идораларидаги ҳар бир хиз-

матнинг фаолияти ҳақида оммани таништириб бориш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Катта лейтенант Назиржон Йўлдошев Сирдарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳида иш бошлашдан аввал ички ишлар идоралари фаолияти билан таниш эди. У вилоят телевидениесининг мухбир-оператори сифатида бир неча марта ички ишлар ходимларининг хизмати ҳақида курсатувлар тайёрлаган. Бу унинг вилоят ИИБга ишга ўтишига йўл очди. Айни кунларда катта лейтенант Назиржон Йўлдошев республикамиздаги ички ишлар идоралари матбуот гуруҳи инспекторлари орасида энг фаол журналистлар қаторида тилга олинади. У тайёрлаган телерепортажлар, радиохабарлар вилоят, республика телевидение ва радиоларида тез-тез эфирга узатилиб турибди. Газета ва журналларда суратли лавҳалар, тезкор хабарлари билан мунтазам қатнашиб боради.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

Суратда: катта лейтенант Н. Йўлдошев вилоят телерадиокомпанияси бош муҳандиси У. Абиджонов билан тасвир сифатини текширмоқда.



Суратда: «Посбон» газетаси ходимлари М. Қўлиева (ўнгда) ва Ф. Хуррамова.



Назм

ЖУРНАЛИСТЛАР

Қутлуг бўлсин байрамнингиз, муҳтарам журналистлар, Нишонларсиз уни шодон, бўлиб жам журналистлар.

Изланурсиз, кеча-кундуз эл-юртим деб тинмайин. Қўлингизда мудом қоғоз ва қалам, журналистлар.

Мустақиллик одимларин ёритмоққа шошарсиз – Бўлай дея ҳозиржавоб, пешқадам, журналистлар.

Гоҳи шаҳар, гоҳи қишлоқ, гоҳи дала-даштасиз, Жўшқин илҳом, ғайратингиз бир олам, журналистлар.

Хоҳ газета, хоҳ радио, хоҳи «ойнаи жаҳон» – Барчасида намоёнсиз дам-бадам, журналистлар.

Қаҳрамонларингиз бўлмай турли касб соҳиблари, Жавлон уриб меҳнат қилинг яна ҳам, журналистлар.

Ўзбекистонни дунёга танитасан дoston айлаб, Юрт бўлар янада обод ва кўркам, журналистлар.



(Қаламкаш дўстларимга)

Ёз, қаламкаш, бесамар ўтган бирор он бўлмасин, Ўз юрак аминг-ла ёз, «буротма» бир ён бўлмасин, Неки ёзсанг пухта ўйла, токи нуқсон бўлмасин, Ёз мукамал, эътирозга асло имкон бўлмасин!

Таърифу тавсиф этиб ёз қадриятлар ҳақида, Ёз омонлик, юксалиш, эзгу ниятлар ҳақида, Ёз муаммосиз, гўзал хушқайфиятлар ҳақида, Ёз ҳақиқатни далиллаб, зарра ёлгон бўлмасин!

Тинч ва осуда ҳаётдан бизни маҳрум этгани – Тиш қайраган тажовузкор, ёвуз кўчлар бор ҳали, Қорала, фош қил уларни, келди даф этмоқ гали, Четдан ноҳолис фикр, иғвою бўҳтон бўлмасин!

Бизни ҳар жабҳада тан олсин десанг ахли жаҳон, Ислохотлар нақадар баравжлигин эттил баён, Не улугвор кашфиётлар борки, барин эт аён, Рўйирист, ошқора ёз, ҳеч мавзу пинҳон бўлмасин!

Маълумотларга тўла бўлсин мудом ён дафтаринг, Қалбда уйғотсин ҳаётга иштиёқ ёзганларинг, Кенгаверсин ёниқ қалбли ижодкорлар сафи, Ёз Ватан, халққа муносиб, дилда армон қолмасин!

Исомиддин ЖУМА.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Кўй. Келаётган ҳафта вазифангиздан, жамият ҳаётида қандай мавқега эгалигингиздан қатъи назар, фаол фикр юритишингизни тақозо этади. Бирор қарор қабул қилишдан аввал обдон ўйланг, етти ўлчаб бир кесинг. Энди қабул қилган қарорингизни амалга оширишингиз ҳам лозим. Мабодо бунча шайхон ўзингиз бажармасангиз ҳам, ижросини назорат қилинг. Хўллас, зеркики ҳам дам олишга ҳам фурсатингиз бўлмайди. Фақат қуюшқондан чиқиб кетмасангиз бас.

СИГИР. Ушбу ҳафтада анчадан буён ўйлаб юрган режангизни амалга оширишга киришинг. Аммо буйруқбозликда ҳақингиздан ошманг. Чунки гоёларингиз ҳаммага ҳам бирдек ёқармайди. Ҳаётингизда ўзгаришлар юз беради, аниқроғи, ўзингиз бунинг ташаббускори бўласиз. Барча муҳим ўзгариш ва янгилликларни юридик жиҳатдан расмийлаштиринг. Токи кейинроқ ҳеч қандай муаммо туғилмасин. Ҳафта жонингизга теккан муаммоларни ҳал этиш, бир тўхтамай қилиш учун қўлайдир.

ЭГИЗАКЛАР. Қилаётган ишларингиз ва уларнинг ҳақиқий хоҳиш-истакларингизга қанчалик боғлиқлиги ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг. Иккиси ўртасидаги фарқни кўриб ҳафсалангиз пир бўлиши мумкин. Аммо бундан наф йўқ. Ҳаётингиз ўз-ўзидан яхшиланиб қолмайди. Астойдил интилангиз, ижобий ўзгаришлар қилишга қодирсиз. Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ. Айниқса, ҳафтанинг иккинчи ярмида куч-ғайратингиз тўлиб-тошади. Қатъиятли бўлинг.

КИСКИЧБАКА. Дастлабки кунларда эҳтиросларингиз жунбуша келади. Бунга яхшиликка йўлинг. Ҳамкорларингизни яхшироқ билиб оласиз. Уларнинг хатти-ҳаракатлари сабабларини, яширин истаklarини англаб етасиз. Бу муносабатларингиз янада яхшиланишига олиб келади. Ҳозирги палла ўзингизнинг руҳиятингизни чуқурроқ тўшуниш учун ҳам қўлай. Ҳафтанинг охирида сабр-тоқатли бўлинг, боиси ҳамкорлигингиз ва савий-ҳаракатларингиз натижаси сиз кутганчалик тез кўзга ташланмайди.

АРСЛОН. Ҳафта бошида хурсанд кайфиятда юрасиз, эртанги кунга умид билан қарайсиз. Аммо куч-ғайратингизни керакли томонга йўналтири олмагангиз, умидсизликка тушишингиз мумкин. Яхшиси, мириқиб дам олинг. Ҳадеб майда-чуйда, икки-чикирларга ўралашиб қолмасдан, бундоқ мангуликка дахлдор оламшумул масалалар устида ҳам бош қотиринг. Ҳафта охирида молиявий аҳволингиз яхшиланади.

БОШОҚ. Мазкур ҳафта сизга ноқулай келгудай бўлса, бунга ўзингиз сабабчи бўласиз. Масалан, ҳаром йўллар билан бойлини, бошқаларнинг ҳақиқатга кўз олайтиришни ўйламанг. Акс ҳолда, қилишингиз фош этилиб, тегишли жазоингизни оласиз. Натижада афсус чекиб қоласиз, моддий фойда кўрмайсиз. Қайтанга обрўйингиз тўқилгани қолади. Шунинг учун шаънингизга номуносиб хатти-ҳаракатлардан тийилинг.

ТАРОЗИ. Ҳаёт сизга зерикарлидур тўлолади. Атрофингизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлиб қоласиз. Узлатта чекингиз келади. Баъзан бу фойда бериши ҳам мумкин. Чунки киши гоҳида танаффус қилиб туриши ҳам керак. Бошлаган ишларингизни якунига етказишингиз учун сидқидилдан ҳаракат қилишингизга тўғри келади. Маромига етказиб бажарилган иш ўз мевасини беради. Шунинг учун ҳафта охирида тўплаган қолган муаммоларингиз ўз ечимини топади.

ЧАЁН. Ҳафта давомида ўз муаммоларингиз билан шуғуланишингизга тўғри келади. Руҳиятингиз билан боғлиқ масалаларни енидада психологик тестлар, медитация ёрдам беради. Молиявий масалалар ҳам эътиборингиздан четда қолмасин. Даромаду буромадингизни ҳисоб-китоб қилинг, қарзларингизни ўзинг, режалаштирган сарф-харajatлар учун маблағ ажратинг, ҳужжатларни тартибга келтиринг. Дам олиш кунларини қариндошларингиз, яқинларингиз даврасида ўтказинг.

ЁЙ. Дам олиш фурсати келди. Ҳафта бошидаги муаммолар сизнинг иштирокингизсиз ҳам ҳал бўлади. Моддий фойда қўришингиз мумкин. Меҳнат таътилига чиқинг, бунинг илоҳи бўлмаса, зиммангиздаги юкни қамайтиринг. Ҳафта охирида янги ишга қўл урманг, муҳим қарорлар қабул қилманг. Ҳафта ўрталарида бирор қарор қабул қилишга тўғри келса, ички сезингизга таяниб иш кўринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ўйламасдан иш қилманг. Моддий аҳволингизни яхшилаш учун ноқонуний ишларга қўл ура кўрманг. Бу ўйлаган натижангизни бермайди. Ҳадемай ҳаётингизда ўзгаришлар юз беради. Бунинг оқибати яхшилик билан тугайди. Шунинг учун янгилликларга тўқинлик қилманг, эскиликка ёпишиб олмаб. Ҳафта давомида ҳаётингиз ўз изига тушади, сизга хурсандчилик бахш этади.

КОВҒА. Оилангизга, қадрдон одамларингизга эътиборли бўлинг. Айнан улар даврасида гаму ташвишлардан холи бўласиз, ором толасиз. Ҳафта бошида ҳаётга қизиқшингиз сўниши мумкин. Тушқун қайфиятдан сизни яна оила аъзоларингиз ҳалос этади. Улар қўмагидан кўнглидагидек дам оласиз, куч-қувватингизни тиклайсиз. Уй-фирқаларингиз тиниклашиб, ҳис-туйғуларингиз покланиб, ҳаётга янгилик билан қарай бошайсиз.

БАЛИК. Атрофингизда оқилу доғишман одамлар кўп. Шунинг учун уларнинг маслаҳатларига қўлоқ тутинг, хатто баъзан айрим фикрлари сизнинг хоҳиш-истакларингизга ёки ҳаётингизга яхшироқ ҳал беради. Ҳафта бошидаги муаммолар сизнинг иштирокингизсиз ҳам ҳал бўлади. Моддий аҳволингизни яхшилаш учун ноқонуний ишларга қўл ура кўрманг. Бу ўйлаган натижангизни бермайди. Ҳадемай ҳаётингизда ўзгаришлар юз беради. Бунинг оқибати яхшилик билан тугайди. Шунинг учун янгилликларга тўқинлик қилманг, эскиликка ёпишиб олмаб. Ҳафта давомида ҳаётингиз ўз изига тушади, сизга хурсандчилик бахш этади.

Манзилимиз: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.